

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

“ҲАЙКАЛТАРОШЛИК”
КАФЕДРАСИ

М.Ярашева
МЕЪМОР МАСЛАҲАТИ ФАНИ БЎЙИЧА

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ УЧУН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

ФАНГА КИРИШ

“Меъмор маслаҳати” фани талабаларга яратилган ва яратилаётган бадиий асар таъсирчанлигини англаш, хис этиш ва унинг бадиий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий билимларини шакллантиришда, талабаларга турли хайкалтарошлик ашёларида ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, уларни функционал жиҳатдан кўркам шакллари яратиш борасида билим беришдан ҳамда хайкалтарошлик асарларини ҳар томонлама инсон эҳтиёжи талабларига жавоб берадиган ҳолда меъморий муҳитга мослаштириш усуллари ўргатишдан иборат. Малакали хайкалтарошларни тайёрлашда меъмор маслаҳати фанининг ўрни катта.

Меъмор маслаҳати фани композиция, ашёда ишлаш ва хайкалтарошлик фанлари билан узвий боғлиқ. Хайкалтарошлик соҳасида; портрет, кўргазма ва музейлар интерьерларини безатиш учун бадиий асарлар, статуэткалар, бюст, мавзули композициялар; маҳобатли хайкалтарошлик соҳасида: меъморий иншоотлар ва майдонларда қаҳрамонлик, миллий ғурур-ғояларини тараннум этувчи тарихий шахслар образлари хайкалларини; декоратив безак хайкалтарошлиги соҳасида: боғлар ва ҳиёбонлар майдонларини безатиш учун яратиладиган хайкалтарошлик асарларини; майда пластика хайкалтарошлиги соҳасида: турли ашёларда бажариладиган статуэткалар, кичик ҳажмдаги мавзули композициялар, анималистика жанридаги хайкалтарошлик асарларини яратишда меъмор маслаҳати фанининг ўзига хос ўрни бор. Бадиий асар яратилаётганда композиция қонуниятлари ҳисобга олинади ва қўлланилади. Композиция устида ишлаш меъморий ва санъат асарларида лойихалаш деб аталади.

Бу тушунчаларни ажратиш учун бадиий асарни яратишни лойихалаштириш деб атасак; қисмларни жойлаштириш ва улар ўртасидаги алоқани яхлитликка келтириш қонуният ва услублари, тартиб қоидалар тизимини эса композиция деб атаймиз.

Меъморчилик инсониятнинг яратувчи ижодий фаолиятларининг энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Бу фаолият натижасида турар жой, жамоа ва инженерлик иншоотлари, шунингдек, уларнинг мажмуалари ҳамда яхлит шаҳарлар қулайликларнинг барча турлари билан яратилади ва инсонларнинг эстетик ҳамда моддий талабларини қондиради. Шунга яраша меъморчилик асарлари ўзининг амалий қўлланишига мос келиши, техник жиҳатдан мукаммал бўлиши, фойдаланиш учун қулай ва бадиий ифодали бўлиши лозим. Рассом ва меъмор фазонинг нафақат умумий концепциясини тушуниш даражасида ўзоро ҳаракат қилади, балки амалда ҳам қўллайди.

Маҳобатли хайкалтарошлик ва рангтасвир меъморий ансамблларни шакллантиришда жуда муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, ”Саласпилс“ меъмориал комплекси (Латвиядаги ёки Болгариядаги), ёки масштаби бўйича гигант композицияли Мамаев курганда шу нарсани кузатилади .

2-курс (3-семестр)

1-МАВЗУ: ШАҲАР ҲИЁБОНЛАРИДА ДЕКОРАТИВ ҲАЙКАЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ЛОЙИХАСИ (назарий)

Чизма масштаби деб, тасвирланадиган объект натурадаги ўлчамларининг чизмада мос келадиган линейкали ўлчамлари нисбатига айтилади. Лойихани бажариш учун масштаб, тасвирланаётган меъморий объектнинг ўлчамларидан келиб чиқиб белгиланади. Масштабларнинг чизмалардаги тасвири қуйидаги тартибда ёзилади: кичрайиши учун – 1:2, 1:10, 1:50, 1:100, 1:200, 1:400, 1:500, 1:1000 ва ҳоказо. Катта шаҳарларнинг генпланлари 1:1000, 1:2000 масштабларда бажарилади.

Масштабни танлаш чизманинг мазмунига ва тасвирланаётган объектнинг ўлчамларига боғлиқ. Катта бўлмаган биноларнинг планлари фасадлари кесмалари 1:50, 1:100 масштабда бажарилади.

Генплан чизмаси-бинонинг тепадан пастга қараган кўринишдаги шартли ортогонал тасвирдир. Бош планда транспорт коммуникациялари, йўллар, бинолар, автостоянкалар, парк ва ҳиёбонлар, яшил массивлар, дарахтлар кўрсатилади.

Катта ҳудудли генпланлар учун 1:500, 1:1000 масштаблар қўлланилади. Лойиханинг кўргазмали чизмалари дастлабки босқичнинг лойихавий таърифи сифатида бажарилади. Бундай чизмаларнинг вазифаси – муаллифнинг фикрини, лойихада мужассам бўлган бадиий-фазовий ғоясини графикли воситаларда кўргазмали очиқ беришдир.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Масалан: кўргазма ва музейлар интерьерларини безатиш учун бадиий асарлар: статуялар, бюст, мавзули композициялар ва бошқаларни; архитектура иншоотлари, майдонларда қаҳрамонлик, миллий ғурур ғояларини тараннум этувчи тарихий шахслар образлари ҳайкалларини; боғлар ва ҳиёбонлар майдонларини безатиш учун яратиладиган ҳайкалтарошлик асарларини; турли ашёларда бажариладиган статуэткалар, кичик ҳажмдаги мавзули композициялар, анималистика жанридаги

хайкалтарошлик асарларини; рельеф кўринишида бажариладиган асарларни, ҳар хил тарихий воқеликлар, буюк шахслар юбилей саналари ва ҳоказоларни нишонлашга бағишланган ҳайкалтарошлик асарларини яратишни ўрганилар экан уларни ўз ўрнига қўйиб жойлаштиришда, томошабинлар учун кўримли ва таъсирли бўлишини таъминлашда, атроф-муҳит билан уйғунлиги таъминланган бўлишида; “транспорт майдони ва маҳобат” муаммосининг ечимини топишда; ҳиёбон ансамблларида ҳайкалтарошлик асарлари синтези муаммосини ечишда; жамоат бинолари меъморчилигида санъат синтези муаммосини ҳал қилишда меъмор маслаҳати фанининг ўзига хос ўрни бор.

Меъморий композиция назарияси мазмуни меъморий асарнинг ягоналигини ва турли тип ҳамда мақсадли иншоотлардан умумий шакл яратиш қонуниятларини ўрганишдан иборат. Композиция назариясида ўрганилаётган қонуниятлар категориялар ёки композиция унсурлари деб аталади. Бу категорияларга: ҳажмий фазовий тизим, тектоника, гармония, ритм, мутаносиблик, контраст, нюанс кабилар тегишли.

Болалар майдончасига анималистик жанрда композиция яратиш учун жой танланади. Бунинг учун шаҳардаги парк ва ҳиёбонлар, микрорайонлардаги болалар майдончалари, болалар боғчалари майдончалари кўриб чиқилади.

Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари олинади ва хомаки чизмалар чизилади, яъни генплан схемаси устида ишланади

Масштаб 1:100. Хомаки чизмалар анималистик ҳайкаллар композициясини атроф муҳит билан боғлаган ҳолда чизилади. Хомаки чизмалар тасдиқлангандан кейин аниқ ўлчамлар асосида яъни масштабда генплан схемаси чизилиди. Схемага асосан макет устида иш олиб борилади.

Макетнинг қулай томони шундаки, композиция қўйилган майдоннинг атроф муҳит, йўлаклар, меъморий воситалар билан боғлиқлиги аниқ ўлчамлар асосида кўрилади. Макетда композициянинг ҳажми ва жойи аниқ бўлиши шарт. Меъморчиликда, умуман санъатнинг ҳар қандай соҳасида ҳам

чизма тасвирлардан ташқари макет ясаб, бажарилган ишни татбиқ эта олиш катта маҳорат талаб қилади. Макет орқали бино ёки майдон тасвирини бериш энг қулай усул. Лекин макет ясаш иши талабадан катта маҳорат талаб қилади. Негаки макет ясашда бинонинг ҳар бир детали , девори, қопламалари ва бошқа деталлари алоҳида-алоҳида ясаиб елимланади. Макет ясашда хомашёни тўғри танлай билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки маҳорат билан ясалган макет ҳам хомашёси чидамсиз юпқа бўлса бундай макет номустаҳкам ва ноҳуш кўринишга эга бўлади. Макет атрофига антураж, ландшафт элементлари ишланади.

Перспектива бир томондан қараганда ҳажмли тасаввурни яратади, макет эса, лойихалаштириладиган объектнинг фазовийлигини ва ҳажмийлигини ҳамма нуқтадан кўришга, уни ҳаракатда қабул қилишга ёрдам беради.

Ўқув лойихаларида макет учун энг яхши ашё – қалин оқ қоғоз, фомокс ва рангли картон қоғозлар. Макетнинг асосий вазифаси – лойихалаштириладиган иншоотнинг тизимлилик ва мутаносиблик хоссаларини очиқ бериш, ёрқин ифодаланган рельефи, сув сатхлари ўраб турган кўлам билан унинг композицион алоқасини кўрсатишдир.

Болалар майдончасига анималистик жанрда ҳайкал яратишдан олдин талабалар шаҳардаги боғ-ҳиёбон, ўзлари яшайдиган даҳалардаги болалар майдонларини кўриб чиқиб, сўнгра ҳайкал учун жой танлайдилар.

Танланган майдонга мослаб, анималистик ҳайкалларнинг хомаки эскизлари ишланади. Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари ҳам олинади, хомаки чизмалар чизилади, яъни генплан схемаси устида ишланади.



Маҳобатли декоратив хайкалтарошликда худди маҳобатли хайкалтарошликдаги каби масштабларнинг пропорционаллиги, хайкал ҳажми билан атроф муҳитнинг мутаносиблиги катта аҳамиятга эга. Бундай хайкалтарошлик нафақат хайкалтарошлик масштаблари ва меъморчилик билан пропорцияларнинг тўғри мос келишини, балки инсоннинг кўриш ва қабул қилиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Декоратив хайкалтарошликка боғ, парк хайкалтарошлиги ҳам киради: хайкаллар, бюстлар, фавворалар ва хоказолар. Шаҳар ҳиёбонларига қўйиладиган хайкалтарошлик асарларини ишлашда майдоннинг катталиги, ундаги бинолар ва дарахтларнинг жойлашуви, кундузги қуёш ёруғлиги ва кечкурунги чироқлар ёғдусида хайкалнинг кўриниши каби кўпгина факторларга аҳамият берилади.

2-МАВЗУ: ЛОЙИХА ГРАФИКАСИ ВА ЛАНДШАФТ

ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА (назарий)

Графика меъморий лойихалашнинг асосий хусусий ифодаси ҳисобланиб, унинг барча босқичлари - бирламчи ғоявий изланишларидан то лойихани амалда бажаришгача бўлган жараёни ўз ичига олади. Лойихалаштиришнинг дастлабки босқичида чизманинг асосий мақсади, муаллиф ўйлаган бўлажак объект ҳақидаги тасаввурни (меъморий объектнинг тасвири ва ички қиёфаси, шу жумладан: умумий композиция, ашё, ранг, ўраб турган меъморий ва табиат муҳити ва ҳ.к) умумий кўринишда тасвирлаш.

Лойихалаштирилаётган макетларнинг таркибий қисмлари - рельеф, лойиха, биноларнинг хажми, хажмли кўкатлар, деталларнинг жиҳозланиши. Хайкалтарош макет лойихасини тайёрлашда асарни фазовий хажмда ўрнатилаётган муҳитда, ландшафтда, интерьер ёки экстерьерда бадиий асар таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилиши лозим. Лойихалаштириш макетлари текис ёки бўртма рельефга тайёрланиши мумкин. Макет асосидаги рельеф учун горизонт бўйича тасвири чизмаларда кўрсатилади. Агар макетда сув сатҳлари кўрсатиладиган бўлса, улар биринчи навбатда тайёрланади. Кўп холларда макет асоси учун оргалит ишлатилади ва унинг нитроэмаль бўлаги тагидан фольга ёки қоғоз қўйилади. Шундан сўнг чизмани макетости билан бирлаштирилади ва қирғоқ чегараси белгиланади: биринчи горизонтал чизиқни тиклаш учун рельеф картон, фомокс ва бошқа материаллардан тайёрланиши мумкин. Картонда чизмани столяр елими билан елимлаш мумкин. Хажмли кўкатни ўрнатиш учун пенопласт, поролон, губка, мочалка, турли қурилган ўсимликлар ва бошқалар қўлланилади. Дарахтларни М 1:100, М 1:50 масштабда бажариш учун 0,2-0,4 мм қалинликдаги, 2-3 см узунликдаги симдан фойдаланиш мумкин, 5-10-15 дона симларни бирга жипслаштириб, шу масштабда бир хил баландликдаги текис бўлақларга бўлинади. Буралган симнинг учларини ечиш мумкин, шунда дарахт шохлари ҳам пайдо бўлади. М 1:100, М 1:200

масштабдаги макетлар учун хажмдор кўкатларни қуритилган гул ўтлардан қилиш мумкин.

Боғ ландшафтларининг элементларини шакллантириш ва лойихалашнинг дастлабки материаллари геодезик 1:200 масштабдаги план бўлиб, унда майдоннинг чегараси қизилда кўрсатилиши керак.

Кадимги боғларда композицион муҳитни яратиш учун хайкалтарошлик асарлари қўлланилган. Хайкални бошқа боғ элементлари билан уйғунлаштирадиган тарихий сюжетлар замонавий боғларда янгича аксини топган. Масалан, хайкал боғдаги манзара композицияси элементлари билан уйғунлашиб, тош, дарахт танаси билан бир бутунликда бадиий асар таъсирчанлигини оширади.

Ландшафт хайкалтарошлиги ва “геопластика” терминлари баъзида табиий атроф муҳит билан хайкалтарошлик элементлари уйғунлашган композицияга; баъзида эса, аниқ ифодаланган пластика рельеф асосли ландшафтнинг “ер хайкалтарошлигига” нисбатан айтилади. Ландшафт хайкалтарошлик композициялари кўп ҳолларда кўкаламзорлаштириш ҳудудларига киритилади.

Ландшафт-бу ўзига хос ташқи қиёфа билан характерланувчи ва табиий майдонлар билан чегараланган табиий ҳудудий комплексдир. “Ландшафт” ва “манзара” сўзини адаштирмаслик керак. Лекин бу сўзлар немис ва француз тилларга таржима қилинганда “Худуд кўриниши” дегани. “Ландшафт”-географик термин бўлиб табиий қиёфанинг турли туманлигини, ўзига хослигини белгилайди.





3-МАВЗУ: ДЕКОРАТИВ ХАЙКАЛ (ОРОМГОҲЛАР УЧУН)

Амалий машғулот

РЕЖА:

1. Объект сифатида маълум оромгоғни танлаш ва ўрганиб чиқиш.
2. Оромгоҳнинг структурасига мослаб композиция мавзусини танлаш.
3. Мавзуга мос хомаки чизмалар ишлаш.
4. Декоратив кўринишда композиция ишлаш.
5. Танланган жойнинг генплан схемаси (хомаки чизмалар).
6. Макет учун масштабда чизмалар чизиш.
7. Макет устида иш олиб бориш.
8. Макетлаштириш.
9. Макетни якунлаш.

Маҳобатли декоратив хайкалтарошликда худди маҳобатли хайкалтарошликдаги каби масштабларнинг пропорционалиги, хайкал хажми билан атроф муҳитнинг мутаносиблиги катта аҳамиятга эга. Бундай хайкалтарошлик нафақат хайкалтарошлик масштаблари ва меъморчилик билан пропорцияларнинг тўғри мос келишини, балки инсоннинг кўриш ва қабул қилиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Декоратив хайкалтарошликка боғ, парк хайкалтарошлиги ҳам киради: хайкаллар, бюстлар, фавворалар ва хоказолар. Шаҳар ҳиёбонларига қўйиладиган хайкалтарошлик асарларини ишлашда майдоннинг катталиги, ундаги бинолар ва дарахтларнинг жойлашуви, кундузги қуёш ёруғлиги ва кечкурунги чироқлар ёғдусида хайкалнинг кўриниши каби кўпгина факторларга аҳамият берилади. Боғлар ва ҳиёбонлар майдонларини безатиш учун яратиладиган хайкалтарошлик асарларини; турли ашёларда бажариладиган статуэткалар, кичик хажмдаги мавзули композициялар, анималистика жанридаги хайкалтарошлик асарларини; рельеф кўринишида бажариладиган асарларни, ҳар хил тарихий воқеликлар, буюк шахслар юбилей саналари ва хоказоларни нишонлашга бағишланган хайкалтарошлик

асарларини яратишни ўрганилар экан уларни ўз ўрнига қўйиб жойлаштиришда, томошабинлар учун кўримли ва таъсирли бўлишини таъминлашда, атроф-муҳит билан уйғунлиги таъминланган бўлишида; “транспорт майдони ва маҳобат” муаммосининг ечимини топишда; ҳиёбон ансамблларида ҳайкалтарошлик асарлари синтези муаммосини ечишда; жамоат бинолари меъморчилигида санъат синтези муаммосини ҳал қилишда декоратив ҳайкалтарошлик фанининг ўзига хос ўрни бор.

Болалар майдончасига анималистик жанрда ҳайкал яратишдан олдин талабалар шаҳардаги боғ-ҳиёбон, ўзлари яшайдиган даҳалардаги болалар майдонларини кўриб чиқиб, сўнгра ҳайкал учун жой танлайдилар. Танланган майдонга мослаб, анималистик ҳайкалларнинг хомаки эскизлари ишланади. Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари олинади ва хомаки чизмалар чизилади.

Безакли ҳайкалчалар ишлаш учун талабалар ўқитувчи ёрдамида мавзу танлайдилар ва шу мавзуга мос композиция эскизини ишлаб келадилар. Шу эскизга қараб бу композицияни қандай ашёда ишласа бўлади деган муаммони ҳал қиладилар. Албатта буни ҳал қилиш учун кундузги қуёш ёруғлиги ва кечкурунги чироқлар ёғдусида ёинки хона ёки музей пештахталарида ҳайкалча ҳажми билан атроф муҳитнинг мутаносиблиги, хона ёруғлигида безакли ҳайкалчанинг кўриниши каби кўпгина факторларга аҳамият берилади. Безакли ҳайкалчалар кўпроқ бино интерьерлари учун ишланади.

Объект сифатида маълум оромгоҳ танланади ва ўрганиб чиқилади. Оромгоҳнинг структурасига мослаб композиция мавзуси олинади ва мазуга мос хомаки чизмалар ишланади. Композиция декоратив кўринишда бўлиши шарт. Пластинда ишланган композиция тасдиқдан ўтгач, катта ҳажмга ўтказилади. Анатомик ечими ва пропорциялари тўғри топилган, характери тўлиқ очиб берилган декоратив ҳайкал оромгоҳга ўрнатилади. Масалан: қуш ва ҳайвонлар ҳайқалини яшашда қуйидаги вазифа қўйилади: Тасвирланаётган тирик мавжудотлар шаклларнинг индивидуал ўзига хослигини иложи борида

хақиқий ва аниқроқ кўрсатиб бериш учун уларнинг ҳаракатлари ва одатларини, ўзига хослигини, анатомик тузилишларини ўрганиб олиш мақсадида улардан ҳар томондан қаламчизгилар бажариб олинади. Ҳайкалларни ясашда ушбу намуналардан ва уларнинг энг характерлиларидан фойдаланилади. Чизгиларни ён, олд ва орқа томонларидан бажариш керак. Улар кейинчалик ҳайкалчаларнинг баландлиги, узунлиги ва кенгликларини аниқлашда ёрдамчи материал бўлиб хизмат қилади.

Қалам чизгилар бажаришда улар танасининг ташқи шаклини, анатомик тузилишларининг боғлиқлигини диққат билан ўрганиб чиқиш тавсия этилади.

Аввалига моделнинг деярли тинч ҳолатда тўрганида чизиб олган яхши бўлади (ётган, овқатланаётган ва бошқалар).

Шундан кейин ҳайвон ёки қушларнинг ўзига хос шаклларини кўрсатиб ҳаракатлари, одатлари, унинг ҳаёт шароитига хос хусусиятларини ифода этишга ҳаракат қилиш керак.

Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари олинади ва хомаки чизмалар чизилади, яъни генплан схемаси устида ишланади

Чизма масштаби деб, тасвирланадиган объект натурадаги ўлчамларининг чизмада мос келадиган линейкали ўлчамлари нисбатига айтилади. Лойихани бажариш учун масштаб, тасвирланаётган меъморий объектнинг ўлчамларидан келиб чиқиб белгиланади. Масштабларнинг чизмалардаги тасвири қуйидаги тартибда ёзилади: кичрайиши учун – 1:2, 1:10, 1:50, 1:100, 1:200, 1:400, 1:500, 1:1000 ва ҳоказо. Катта шаҳарларнинг генпланлари 1:1000, 1:2000 масштабларда бажарилади.


Масштабни танлаш чизманинг мазмунига ва тасвирланаётган объектнинг ўлчамларига боғлиқ. Катта бўлмаган биноларнинг планлари фасадлари кесмалари 1:50, 1:100 масштабда бажарилади.

Генплан чизмаси-бинонинг тепадан пастга қараган кўринишдаги шартли ортогонал тасвиридир. Бош планда транспорт коммуникациялари, йўллар,

бинолар, автостоянкалар, парк ва ҳиёбонлар, яшил массивлар, дарахтлар кўрсатилади.

Катта ҳудудли генпланлар учун 1:500, 1:1000 масштаблар қўлланилади. Лойиханинг кўргазмали чизмалари дастлабки босқичнинг лойихавий таърифи сифатида бажарилади. Бундай чизмаларнинг вазифаси – муаллифнинг фикрини, лойихада мужассам бўлган бадиий-фазовий ғоясини графикли воситаларда кўргазмали очиб беришдир.





Масштаб 1:100. Хомак чизмалар анималистик хайкаллар

композициясини атроф муҳит билан боғлаган ҳолда чизилади. Хомак чизмалар тасдиқлангандан кейин аниқ ўлчамлар асосида яъни масштабда генплан схемаси чизилиди. Схемага асосан макет устида иш олиб борилади.

Макетнинг қулай томони шундаки, композиция қўйилган майдоннинг атроф муҳит, йўлаклар, меъморий воситалар билан боғлиқлиги аниқ ўлчамлар асосида қўрилади. Макетда композициянинг ҳажми ва жойи аниқ бўлиши шарт. Меъморчиликда, умуман санъатнинг ҳар қандай соҳасида ҳам чизма тасвирлардан ташқари макет ясаб, бажарилган ишни татбиқ эта олиш катта маҳорат талаб қилади. Макет орқали бино ёки майдон тасвирини бериш энг қулай усул. Лекин макет ясаш иши талабадан катта маҳорат талаб қилади. Негаки макет ясашда бинонинг ҳар бир детали, девори, қопламалари ва бошқа деталлари алоҳида-алоҳида ясаиб елимланади. Макет ясашда хомашёни тўғри танлай билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки маҳорат билан ясалган макет ҳам хомашёси чидамсиз юпқа бўлса бундай макет номустаҳкам ва нохуш кўринишга эга бўлади. Макет атрофига антураж, ландшафт элементлари ишланади.

Перспектива бир томондан қараганда ҳажмли тасаввурни яратади, макет эса, лойихалаштирилаётган объектнинг фазовийлигини ва ҳажмийлигини ҳамма нуқтадан кўришга, уни ҳаракатда қабул қилишга ёрдам беради.

Ўқув лойихаларида макет учун энг яхши ашё – қалин оқ қоғоз, фонокс ва рангли картон қоғозлар. Макетнинг асосий вазифаси – лойихалаштирилаётган иншоотнинг тизимлилик ва мутаносиблик хоссаларини очиқ бериш, ёрқин ифодаланган рельефи, сув сатхлари ўраб турган кўлам билан унинг композицион алоқасини кўрсатишдир.

Болалар майдончасига анималистик жанрда ҳайкал яратишдан олдин талабалар шаҳардаги боғ-ҳиёбон, ўзлари яшайдиган даҳалардаги болалар майдонларини кўриб чиқиб, сўнгра ҳайкал учун жой танлайдилар.

Танланган майдонга мослаб, анималистик ҳайкалларнинг хомаки эскизлари ишланади. Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари ҳам олинади, хомаки чизмалар чизилади, яъни генплан схемаси устида ишланади.



Макет меъморий лойихалаштириш амалиётида муҳим ўринни эгаллайди. Макетлаштириш услуги тураржой, жамоат, саноат биноларини ҳамда парк ва ҳиёбонларда жойлашган декоратив ёки маҳобатли ҳайкалларни лойихалаштиришда, шаҳарсозликда кенг қўлланилиди. Ўқув лойихалаштиришида макетларни тайёрлаш фазовий фикрлашнинг ривожланишига имкон яратади, ортогонал чизмаларнинг текис тасвирини ҳажмли тасвирлашга ёрдам беради. Макет лойихалаштирилаётган майдон ва ҳиёбонлардаги ансамблларда жойлашган ҳайкалтарошлик асарларининг фазовийлигини ва ҳажмлилигини ҳамма нуқтадан кўришга, уни ҳаракатда қабул қилишга ёрдам беради.

Амалиётда ҳам, ўқув лойихалаштиришида ҳам макетлар 1. ишчи макетларга ва 2. кўргазмали макетларга бўлинади. Ишчи макетлар қабул қилинган ечимларни текшириш ва ўзгартириш киритиш учун хизмат қилади. Бундай макетларни лойихалаштириш жараёнида кичик масштабда, оддий осон ўзгартириладиган ашёлардан – пластилин, пенопласт, қоғоз, картонлардан яхлит бўлақларсиз бажарадилар. Ўқув лойихаларида макет учун энг яхши ашё – қалин оқ қоғоз, фомокс ва рангли картон қоғозлар. Макетнинг асосий вазифаси – лойихалаштирилаётган иншоотнинг тизимлилиқ ва мутаносиблик хоссаларини очиқ бериш, ёрқин ифодаланган рельефи, сув сатхлари ўраб турган кўлам билан унинг композицион алоқасини кўрсатишдир.

Кўргазмали макетларни деталлаштириб мукамал бажарадилар. Макет лойиха асосида ясалади. Композициянинг табиатдаги кўриниши, тарихий муҳитга мослиги, анималистик ҳайкалларнинг жойлашиши, декоратив ҳайкалларнинг ландшафтда жойлашиши макетда бўртма шаклларда кўрсатилади. Макетда композициянинг ҳажми ва жойи аниқ бўлиши шарт.

Ҳайкалтарошлик бўлимида макет ясаш услубини ўргатиш бўйича машғулотларни қуйидаги режа асосида ўтиш тавсия этилади:

- меъморий макетлаштиришнинг мақсад ва вазифаси ҳайкалтарошликнинг ижодий жараёни учун муҳим элемент сифатида;

- меъморчиликнинг турли ривожланиш босқичларида меъморий макетнинг роли ва аҳамияти;

- болалар майдончасини макетлаштириш;

- хиёбонларда декоратив хайкалтарошликни макетлаштириш;

- шаҳар маркази, парк ландшафтларида маҳобатли хайкалтарошликни макетлаштириш;

- муҳитга мослаб, бино экстерьерига рельефни макетлаштириш;

- масштаб, макет элементларини деталлаштириш ва ашё танлаш;



- макетларни тайёрлашда зарур бўладиган воситалар ва асбоб-ускуналар;

- макетларни тайёрлаш технологияси.


Талабаларни ҳажмдор макетлар қилишга ўргатиш меъморий лойихалаш методикасини ўрганиш жараёнини янада тушунарлироқ қилади, ижодий фаолиятини жадаллаштиради, лойихалаштираётган объектни ҳар томонлама кўришга имкон беради. Ясалаётган макет масштаби чизмалар масштабидан бошқача бўлиши тушунтирилади. Макет ясалганда доимо ишни йирик бўлаклардан, яъни деворлар, яшил майдонлар ва сув хавзаларини алоҳида-алоҳида қирқиб олишдан бошлаб кейин уларга ёпиштириладиган майда деталларга ўтилиши зарурлиги тушунтирилади. Майда деталларни ясаганда уларни йирик юзаларга қай тарзда ёпиштирилиши назарда тутилади. Макет учун танланган масштаб унинг йирик қисмларида қандай бўлса майда деталларида ҳам худди шундай бўлиши зарур. Шунинг учун макет ясашни бошлагандан уни якунлагунча қатъий чизмалар асосида иш олиб борилади. Зарур бўлганда катта юзали жойларга қўшимча куч кўтарувчи юзани қаттиқ ушлаб турувчи қўшимча деталлар ишланади ва кўринмайдиган томонидан юзага ёпиштириб чиқилади.

Тайёр бўлган макетни ўрнатиш учун шундай ўлчамдаги планшет танланиши керакки, бунда макет атрофида албатта етарлича фазовий бўшлиқ бўлиши талаб этилади. Негаки ҳар қандай яратилган асар у хох кичик санъат

асари бўлсин хох катта бир бино бўлсин у ўз атрофидаги фазовий бўшлиқ билан бирга идрок қилинади, яъни ҳар қандай асар атрофидаги фазовий бўшлиқ унинг томошабин томонидан идрок қилинишида бевосита иштирок этади. Макет учун танланган планшет таглик ҳам озода ва тартибли кўринишда бўлиши керак. Иложи бўлса планшетга тортилган ватман қоғоз ҳам ишланган генплан рангига мос қилиб бўяб қўйилади.
















Меъморий иншоотни лойihalаштиришда меъморий композицияларнинг турли воситалари қўлланилади. Бу эса ўз навбатида меъморий қурилиш элементларининг барча турли-туманлигини ягоналикка келтиришга имкон беради, бинога қўйиладиган анъанавий талаблар учун қўлланиладиган меъморий асарларни анализ(тахлил) қилганда ва меъморий композицияда восита ҳамда қонунларини қўлаганда 2 та асосий талабни кўзда тутиш лозим: биринчидан, барча композицион жараёнлар узил –кесил меъморий асарлар мазмуни билан боғлиқ, уларнинг ўз мақсади бўлмайди, улар фақат мазмунни ифода этиш воситасидир; иккинчидан, композицион воситалар бир-бирларидан изоляция қилинмаган, балки, биргаликда қўлланилади.

Композицияда барча қисмлар ва элементлар маълум мақсадга эришишга йўналтирилган органик яхлитликка бирлашиши лозим. Композициядаги асосий жихати яхлитлик ва ўқ симметриясидан фойдаланилганлиги билан узвий боғлиқ.

Композицияда меъморий асарнинг тузилишига ва унинг қисмлари симметриклигига катта аҳамият берилади

Симметрия ва ассимметрия

Симметрия ва ассимметрия энг содда ва аниқ композицион восита ҳисобланади. У бутун бир ҳажмий фазовий композиция каби, шунингдек бионинг алоҳида қисмлари ва меъморий бўлақлар қурилиши асосини белгилайди. Симметрия деб асосга, ҳажм ёки сатҳга нисбатан геометрик марказ орқали ўтувчи бир хил унсурларнинг тенглик қонуниятларига асосланган жойлашиши айтилади. Симметриянинг вертикал сатҳи алоҳида биноларда, интерьерларда, мажмуаларда мавжуд. Бу симметрияни кўзгули (зеркальный) деб атайдилар. Меъморчиликда ассимметрияни ҳам қўллайдилар. Ассимметрия композициялар бирлигини вазнга, фактурага, рангга ва хоказоларга нисбатан қисмларнинг мувозанатини яратиш воситаси ҳисобланади. Ассимметрияли қурилган композицияларнинг айрим қисмлари

ва уларнинг асослари тўлиқ ёки қисман мавжуд эмас. Бунда хажми нотекис ва шакли турлича бўлган қисмлар шундай жойлашганки, унга қараганимизда тенглик хисси пайдо бўлиб, композициянинг яхлитлиги сақланади. Мураккаб композицияларда симметрия ва ассимметрия биргаликда уйғунлашиши мумкин. Бунга мисол қилиб Тошкентдаги “Шарқ” нашриёти биносини ва кўғирчоқ театри биноларини олишимиз мумкин. Замонавий меъморий композицияларда ассимметрия услуби кенг тарқалган. Бу замонавий бинолар ёки асарларнинг мураккаб функционал мазмуни билан шаклнинг уйғунлиги ёки чегараланганлигига интилиш ва композицияга жўшқинлик бериш хохиши билан тушунтирилади, яъни бино ёки асарга рангтасвирли тус бериш ва уни табиатга максимал яқинлаштириш муаммосини хал қилиш истаги. Агар бадиий асар, картина, хайкалтарошлик асари, амалий безак асарларининг мукаммал композициясини таҳлил қилсак, унда доим ўзоро бир-бирига боғланган тизимда қатор геометрик шакллар чизиғини топиш мумкин. Бу чизиқларда ва шаклларда композициянинг турли бўлаклари жойлашган. Улар кўпинча композиция шаклини, унинг чегарасини белгилайди.



4-МАВЗУ: ЛОЙИХАЛАШТИРИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ:

КОНТРАСТ, МУТАНОСИБЛИК (ПРОПОРЦИЯ) ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Назарий

Контраст ва нюанс – меъморчиликда бадиий ифодаланиш ютуқларини, иншоотнинг маълум хосиятлари ўртасидаги ўхшаш ёки фарқли даражасини таърифловчи ва белгиловчи ёрқин воситалардан бири. Контрастли ва нюансли шакл элементлари бошқа бадиий ва ифодалаш воситалари муносабатларини, шунингдек тенглик ёки ўхшашлик муносабатларининг композицион яхлитлигини яратади. Меъморчилик композициялари элементлари контрастли (кескин) бир-биридан хажмли, мутаносиблиги, ранги, сифатини ҳамда бошқа иншоот ёки бино хусусиятларини солиштирганда ажралиши мумкин, шу билан бирга контраст солиштириш ёрдамида бир-бирининг ролини кучайтиради. Контраст муносабати шу хоссаларнинг кескин ифодаланган фарқини ажратади. Нюанс муносабати мунтазам, жуда сезилмас, битта хоссадан иккинчисига секин ўтишни билдиради.

Композициянинг хомаки чизмасини чизиш устида ишлаш вақтида у ёки бу восита ва услубларни қўллашнинг умумий қоидаларини кўрсатиш мумкин эмас. Ҳар бир конкрет ҳолатда уларнинг тартиби ҳам хажми ҳам ўзгариб боради. Контраст – энг кенг тарқалган композицион элементларнинг ифодасини юксалтириш ва ажратиш воситаси ҳамда ўзига қарама-қарши хислатларнинг ҳамоханолигини ташкил этади. Меъморчилик маҳобатли ва амалий санъат синтезлари композициянинг муҳим унсурларини ташкил этади. Маҳобатли рангтасвир ва хайкалтарошлик меъморчилик шаклини ранг ва пластика билан бойитиб, бир вақтнинг ўзида унинг бадиий ғоявий, образли жарангини кучайтиришга меъморий асарларда ифодаланган улкан жамият ғояларини зарур ҳолларда конкретлаштиради. Мутаносиблик – меъморчиликда композицион воситаларнинг асосийларидан бири бўлиб, иншоотнинг барча қисмлар нисбатларини уйғунликка келтириш учун

қўлланилади. Мутаносиблик деб қисмларнинг ўзаро ва яхлит ўлчов мослигини маълум нисбат ягоналигига етказиш воситасига айтилади. Бутун иншоотни ёки мажмуани қамраб олганда мутаносиблик ўзининг ягоналигига мутаносиб тузилишни яратади.



5-МАВЗУ: А. НАВОИ АСАРЛАРИ, ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ВА
ЗАМОНАВИЙ ЁЗУВЧИЛАР АСАРЛАРИГА КОМПОЗИЦИЯ
(ОРОМГОҲЛАР УЧУН)

Амалий машғулот

РЕЖА:

1. Оромгоҳларга композиция учун майдон танлаш ва унинг ўлчамларини олиш.
2. Навоий асарлари ва халқ достонларини ўрганиш ва танланган асар асосида хомаки чизмалар тайёрлаш.
3. Пластинда композиция кўринишидаги изланишлар олиб бориш.
4. Тайёрланган композицияни объект билан боғлаган ҳолда меъморий ечимини топиш.
5. Генплан, макет устида ишлаш ва чизмалар чизиш.
6. Макетлаштириш.

Талабалар оромгоҳларга бориб ўз композицияси учун майдон танлаши керак. Навоий асарлари ва халқ достонлари кунт билан ўрганилади ва шу асосда хомаки чизмалар тайёрланади ва пластинда композиция кўринишидаги изланишлар олиб борилади. Топилган композиция объект билан боғланган ҳолда меъморий ечими топилади. Композицияни модель шаклига келтириш учун уни 60x70 см хажмда ишланади. Ҳайкалнинг анатомик ечими, характери, тарихий муҳитга мослиги, пропорциялари тўғри қўйилади. ишни стилизация қилиб яқунланади. Масалан:

3-курс (5-семестр)

6-МАВЗУ: РЕЛЬЕФ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА

Назарий

Хайкалтарошлик кўриниши сифатидаги рельефнинг роли жуда аҳамиятлидир. У жуда қадимий тарихга эга бўлиб, катта бадиий имкониятларга эга. Шунингдек, ўзининг бадиий ва техник хусусиятлари ҳам мавжуд. Рельеф (лотинча *relievo* – бўртма, бўртмали хажм) ўзининг тасвирий имкониятлари бўйича думалоқ хайкалтарошлик билан текис сатхли тасвир орасида туради. Классик рельеф маҳобатлилик чизиқларига ҳам эга: текис фондаги тасвир деворнинг текис сатҳини бузмайди, балки, шу фонга худди параллел ястанади. Пластик рельефни маҳобатли – декоратив хайкалтарошлик бўлимига киритиш мумкин, бу кўп ҳолларда, одатда меъморчилик билан боғлиқ бўлади. Рельефдаги фигуралар композицияси текислик сатҳи бўйлаб ёйилади, бу бир вақтнинг ўзида ҳам фон, ҳам тасвирнинг техник асоси сифатида хизмат қилади. Бу эса рельефда манзара ва кўп фигурали сюжетларни ишлашга имкон беради. Бундай текислик билан органик боғлиқлик рельефнинг ўзига хослигидир.

Рельеф, анъанавий тасаввурда меъморий иншоот, унинг гавдаси, оғирлиги ва пластикаси билан боғлиқ. Лекин унинг меъморий сатҳ билан ўзаро боғлиқликлари турлича намоён бўлади. Бир томондан, бу бино композициясидаги рельефнинг жойи ва ролининг умумкомпозицион характерга эга боғлиқлигидир; бошқа томондан бу хайкалтарошлик билан меъморий шакл тили орасидаги пластик боғлиқлик сферасидир. Замонавий биоларнинг фазовий структураси, уларнинг конкрет шаҳарсозлик ҳолати ўз навбатида, рельефнинг сурилиш системасини яратади, у ҳар доим ҳам асосий фасаднинг симметрик ўқлари билан ҳамоҳанг бўлмайди, яъни классик талабларга мос эмас, лекин одатда, функционал томондан ўзини оқлаб, иншоотнинг янада муҳим томонларига чизги беради (асосий кириш жойи-

асосий функционал ҳажм). Бу бинонинг нейтрал қисмидаги декоратив элемент ёки фазовий конструкция бўлиши мумкин.

Рельеф ўзининг информацион функциясини бажаради ва меъморий шакл билан ўзаро боғлиқ бўлиб, йирик шаҳарсозлик вазифаларини ечишга ёрдам беради.





7-МАВЗУ: ИМОРАТ УЧУН РЕЛЬЕФ

Амалий машғулот

РЕЖА:

1. Рельеф учун иморат танлаш.
2. Танланган иморатга мос рельеф ишлаш.
3. Танланган иморатнинг ўлчамларини олиш ва унга мослаб танланган мавзу композициясини пластилинда ишлаш.
4. Макет учун хомаки чизмалар устида ишлаш.
5. Генплан схемасининг масштабда чизиш.
6. Макет устида иш олиб бориш.
7. Макетлаштириш.
8. Макетни якунлаш.

Рельефда предмет ва фигуралар табиий ўлчовининг ярмида ясалган бўлади. Бинонинг ташки томонида, юкорида жойлаштириладиган асарларга рельефнинг бу тури тўғри келмайди. Фигуралар айлана формаларга эга эмас; томошабин биринчи қарашда хайкалнинг қайси томони буртиб чиққан, қайси томони чуққанлигини айтиб бера олмайди. Узокдан қараганда форма ва контурлар ноаниқ кўринади, сабаби фигуралар соялар архитерктура формалари узидан чиқарадиган сояларда йук бўлиб кетади. Шу сабабли рельефни бинонинг ички декорировкаси учун қўллаш қўлай бўлиб келган. Кадимги усталар рельефни жуда яхши ишлатганлар, рельеф билан думалок рельефли нарсалар безатилган —вазалар, устунлар, (Эфеслик Диана храмида). Бу ерда юкори рельефда моделировка қилинган фигуралар предметнинг юумалок шаклини бузиб , унинг нафис шаклига бекиёс зарар етказган бўлар эди. Бундан ташқари унинг баъзи қисмларини узок муддатдан кўриш анча мураккаб бўлар эди.

Паст рельеф, ёки барельеф, кичкина чуқурликни белгилаш учун қўлланилиб, ёритилиши кам бўлган жойларда ишлатилади. Антик дунёнинг энг машхур паст барельеф намунаси деб, Парфеноннинг бризини

кўрсатишимиз мумкин. У паст рельефда ишланганининг сабаби куёш нурларининг етиб бормаслигида. Қоллонада ҳамда деворнинг юкори қисмида жойлашган бўлиб у фақат кайтадиган ёругликни кабўл қилган, мармар пол куёш ёругликни кайтарганда уни кўриш мумкин.

Бундай фризнинг рельефини яниклаштириш учун , хайкалтарош унинг тўғри бурчак остида фонга киритиб юборган; шундай қилиб фигуралар массаси кескин бирлаштирилган, рельефнинг юзаси контурлар сояси билан кучайтирилган, куз контурлар кетидан осонлик билан ҳаракат қилади.

Кийимсиз фигурани ясаб олгангиздан кейин, драпировкалар жойлашуви билан шугулланинг, уларни аввалдан чизиб олган кичкина эскизларда белгилаб олган бўлишингиз керак эди. Мен доим укувчиларга, драпировкани яшадан аввал лойдан фигуранинг аниқ репликасини ясаб олиш маслаҳатини бераман, фақат у баланд рельефда бўлсин. (272 расм), айлана пластикасини ҳам қўлласангиз бўлади, керак бўлса уни муслин ёки бошқа матога драпировка қилиб олинг. (манекенда драпировкани жойлаштириш учун энг яхши мисол бўлиши мумкин). Сизга баъзи бурмаларни кўпайтириш, баъзиларни ташлаб кетиш керак. Танлаган эскизингиз катта бўлмаса, у холда драпировкани намлаб олинг , намланган холда мато позанинг ҳаракатларини яхшироқ акс эттириб, кийимсиз танага яхшироқ ўрганади. (273 расм); мато кўрук бўлган холда бурмалар катта кўришиб фигуранинг асосий чизиқларини бекитади. Такрорлайман, бундай драпировкадан эскизингиз учун фойдали деб ҳисоблаган нарсангизни олинг. Чунки ҳар бир детални тушириб оладиган бўлсангиз бурмалар тартибсиз бўлиб, расм бирлиги йуқолади. (274 расм).

Тарихий композицияда биз юкорида рельефда учратган муаммолар эмас, балки бир ёки икки аллегорик фигура билан, бундан ташқари ёругликни тақсимлаш ҳамда чизиқлар аранжировкаси каби муаммолар билан тукнашишимизга тўғри келади. Аниқ бир ходисани кўрсатмокчи бўлсангиз, бу дарвнинг тартиб интизоми, анъаналари, ходисалари билан обдон танишиб чиқинг; кейинуз онгизгизда фигура ва шахслар типларини ясаб олинг. Ҳа,

яна даврни белгилаб берувчи костюмларга ҳам ахамият беринг, улар харакатда катта урин тутади; албатта огир кирасага қийинтирилган инсон, енгил хламида кийган одам каби енгил харакат қила олмайди; ва нихоят кўрсатилган давр учун археология ва архитектуранинг роли хакида унутманг-уларнинг аниқлиги композициянгизга хакконий кўриниш бахш этади. Фикран сиз тасвир этмокчи бўлган дарга кучиб ўтишингиз керак. Агар юнон саркардасини XV аср креслосига уткизиб куйсангиз ёки XIII аср кироличасини пеплосга қийинтирсангиз жуда қўлгили бўлса керак. Бундай хатолар укувчиларнинг ишларида учраб туради.



273

Укладка драпировок на обнаженной
фигуре



274

Законченный эскиз:
«Комедия»

Мен таърифлагандай сюжетга тайёргарлик кўрган укувчи кўп укишга хукм қилиниб, тарихнинг турли даврларини сюжети билан танишиб, уша

давринг рухи билан бирлашади. Кўп ёш хайкалтарошлар санъат билан шугулланишни бошлаб, бошлангич маданият сабокларига ҳам эга бўлмайди. Укитувчи, вақт борлигида улардан узларининг маданий савияларини кутаришни талаб этиши зарур; акс холда бу хатолар кейинчалик кайтариб бўлмайдиган хатоларга айланиб бориши мумкин. Кахрамонларнинг персонажлари билан якинрок танишиб олиб, сиз уларнинг ҳаёти билан яшашни, уларни ролини уйнашни бошлашингиз лозим. Узингизга: қандай қилиб у ёки бу инсон бошқа одамнинг хиссиёти акс эттириб бериши мумкин? Албатта кўрук, хавотирчанг инсон, чакон ва темпераментли инсонга нисбатан уз хис туйғуларини бошқача қили бақс эттиради. Эҳтиёткорли Улисс узининг туйғуларини тинмас Ахиллдай эмас, бошқача қилиб, Елена эса Ифигениядан фарқли ҳаракат қилади. Хар бир кахрамоннинг жестлари, қандай вазиятда бўлишидан қатъий назар хар хил бўлиши тўрган гап Тасаввур қилинг босик инглиз ҳамда темпераментли неаполитаннинг хурсандчилигини кўрсатиб бериши. Уларнинг орасида фарқ борми? Шундай қилиб хар қандай ҳаракатининг илдизларини аввалонбор инсон юрагида қидириш керак; турли халқ ва ирқларнинг қўл ҳаракатларини кузатиб яхши градациялар шкаласини ҳосил қилиш мумкин.

Сўнг сиз хар бир одамнинг характерини қўл ҳаракатлари орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилиб кўринг. Сахнани яхшилаб ўрганиб чиқиб, хар бир янги персонаж образи орқали кахрамонларнинг характерларини очиб беринг. Керак бўлмаган фигураларни сюжетга киритманг, улар фақат тушунарсизликни олиб киради. Ёшлар контрастлари сизга зарур бўлган услублардан бири, масалан қария, ёш бола, аёл кишиларнинг асарингизга киритилиши формалар рангбаранглигига олиб келади.

Бу услуб энг қўлай ва яхши услублардан бири, унинг намуналарини биз миср ва ассирия рельефларида кузатишимиз мумкин—иккинчи даражали персонажларда ҳақаратларни кайтарилишини кузатиш; бу жараёни , асарингизни бир турдаги қилиб қуймаслик учун эҳтиёткорлик билан амалга ошириш керак. Масалан сюжетнинг асосий мотиви марказда жойлашган

бўлиб, иккинчи даражали фигураларнинг қўллари ҳам марказга йуналтирилган бўлса, томошабиннинг кузлари ҳам марказга қараган бўлади. Композициянгизда биринчи ва иккинчи даражали фигураларни жойлаштирилишига катта аҳамиятни беринг. (275, 276 расмлар). Фигуралар бир бирларидан узокда жойлаштирилган бўлса, уларни бирлаштириш учун драпировкадан фойдаланинг, яна бунга аксессуар, кўрол ва архитектура ҳам катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Сюжетда, томошабин диққати бита нуктада концентрацияланган ҳолатда, фризда кўрсатиладигандай, фигураларни бўлманг. (масалан Парфенон фризи.) Бошқа томондан қарасак тарихий рельеф аввалдан расмга ухшаб уйланган бўлади. Фризга, бутун бинони ураб турувчи лепка беағи сифатида қараш керак, тарихий композиция эса фақат унинг бир қисмини эгаллайди ҳалос. Киссадан ҳисса шуки —фигуралар жойлашуви компакт бўлиши керак.

Умумий кўринишда фигураларни жойлаштириб олиб, бир фигурали тема сингари ишни давом эттиринг. (277 расм); агар сизга драпировка керак бўлса лойли манекенларни тайёрлаб куйинг; ҳар бир фигурани алоҳида яшадан кўра, маслаҳатим шуки композициянинг ҳар бир фигурасини эскиздагидан каттарок ва буртиб чиқган ҳолда ясаб олинг. (278 расм), сўнг уни драпировкага қийинтиринг (279 расм). Бу услуб, ҳар бир фигурани алоҳида ясаб ўтиришингиздан кўра, драпировкалар жойлашувида нафислик ва мукамаллик ато қилади. Эсда тўтинг композициянинг бирлиги асарингиз ютугининг асосий омилларидан бири. Бу тушунча узи нима деган савол тугилиши мумкин?



275

Набросок композиции
контурами: «Артемида
и Эндимон»



276

Первый эскиз
композиции



277

Нагие фигуры
(подготовка рельефа)

278

Нагие фигуры в высоком
рельефе, предназначенные
для драпирования



279

Укладка драпировок
на обнаженных фигурах

Сиз, ишингиз давомиди массалар компановкаси ва бир хил ўлчовдаги массаларнинг жойлашувини назорат қилишингиз керак. Охирги услубни декоратив аллегорияга киритиб, архитектура тенглиги сақланишига хизмат


килдириш керак. Аммо архитектурага киритилган тарихий рельеф, бинода рамка билан чегараланиб, хайкалли расмга айланган; шу сабабли биз массаларни бир бирига карама карши жойлаштиришимиз мумкин, фақат яхши дид доирасида.

Баъзи холларда рассом қийин вазиятга қўйилади, бу массалар ута буртиб чиққанлиги ёки пирамидал бўлганлигидан келиб чиқади, бу эса уз навбатида композицияни куч ва мустахкамликдан узоклаштиради. Бундай холларда, мен, архитектура йуланмаси сифатида горизонтал ва вертикал тўғри чизиқлар киритиш маслаҳатини бераман. 280а ва б расмларда кўрсатилгандай, икки гуруҳлар узаро узгача бурчакни ҳосил қиладилар, шунда горизонтал чизиқ уларни бирлаштириб, композицияга куч бағишлайди. Композициядаги массалар кескин ҳаракатларга бой бўлса, у холда вертикал чизиқларни утказинг; у нафақат тенгликни ҳосил қилиб беради, балки ҳаракатни кучайтириб мустахкамлик бағишлайди (281 ва 280 расм).



280

Схема двух композиционных групп, имеющих вертикальный характер



Две группы, имеющие вертикальный характер, исправлены с помощью горизонтальных линий



281

Схема двух композиционных групп, имеющих горизонтальный характер



Две группы, имеющие горизонтальный характер, исправлены с помощью вертикальных линий

Композициянгизни доминант чизиклари баъзи жойларда фон билан бирлашиб кетувчи қисмлар орқали бўлинади. Бу холни назорат қилиб бориб умуман узилиб кетишига йул куйманг, акс холда композициянгиз бирламчи холатини йукотиб, нотинчликга эга бўлади. Аниқ масофадан рельефга қарасангиз биринчи қарашда контурлар силуэтлари кузга кўринади— уларнинг тасвирланиши рельефнинг умумий эмоционал тарифини кўрсатиб бериши керак. (282 тугатилган эскиз: «Артемида ва Эндимион»).



282

Законченный эскиз: «Артемида и Эндимион»

Хайкалнинг бирор бир қисмини олдинга ёки орқага ҳаракатлантириш, рельефни узгартирмокчи бўлсангиз қуйидаги приёмдан фойдаланинг: уни ип ёрдамида кесиб ташланг, фондан эҳтиёткорлик билан ажратиб олиб эгаллаши лозим бўлган жойга қуйинг; жойлаштириб олиб котиринг, бунинг учун марказни ушлаб туриб, билдирмай фон билан бирлаштинг.

Агар ушбу қисмни янада рельефли қилмокчи бўлсангиз, фондан уни кесиб олиб, оз-оздан лой билан қоплаб, керакли буртирмага эришинг. Агар буртирмани камайтирмокчи бўлсангиз, шу жараёни тескари тарзда бажаринг. Бу услуб ишингизни бошидан бошламай, қайта ишлов бериш имкониятини яратади.

Энди кўп дискуссиялар сабаби бўлган, яъни барельеф истикболлари тўғрисида суз юритсам. Грек хайкалтарошлари рельефга теккис юза сифатида қарашган, унда осмон, ҳаво тасвирланиши мумкин эмас деб ҳисоблаганлар. Улар тўғри қилганлиги гувоҳи бўлмокдамиз. Рельеф узидан чиқарадиган соялар, жойлашиш юзаси теккис бўлишини талаб қилади; чунки

мармар фон осмонни акс эттирса, ундан соя чиқишини талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Иккинчидан хайкалтарош рассомчиликга ухшамоқчи бўлса, у холда иккинчи даражали пландаги фигураларни кичиклаштириши шарт. Айнан шу сабабли, афиналик усталар хайкалтарошликда, оптик эффектлардан вос кечганлар. (283 Рим. Траян устундаги рельефнинг қисми).

Албатта, буни тасаввур қилиш жуда қийин, аммо Траян устунинг муаллифи Дамаскли Апполодор бу конунлар тўғрисида ҳеч қандай билимга эга бўлмаган. Устунларни қоплаб тўрган рельефлар нақши геометрик проекциянинг конунлари асосида яратилмаган. Мохирлик билан қилинган хато хайкалнинг айлана шаклини сақлаб берган. (283 расм).



283
Часть рельефа
с колонны
Траяна. Рим

Парфенон фризида Фидий истикбол эффектларини четлаб утган, лекин асарининг баъзи жойларида кузга кўринмас тартибсизликни жойлаштирган, масалан чавандозлар, узига ўхшаш хайкаллар устидаги жойлашуви. Бундай услуб, ҳаракатдаги кавалериянинг ҳарактларини имитация қилиб беришга мулжалланган. (284 расм).

284

Часть Парфеновского
фриза

Джованни да Болоньянинг ««Сабинянкаларнинг угирланиши» асари. Грек усулидан узок бўлган замонивий паст рельефи. У рассомчилик санъатининг таъсирини бошидан кечирган, уларни таккослаш учун Фидийнинг Парфенон фризи ҳамда Лоренцо Гибертининг Флоренциядаги мукаддас Иоаннинг соборидаги баптистерия эшикларини солиштиринг. (285 ва 286). Гиберти узокни янада ифодали акс эттириш учун хаволи ва чизиқли истикболни киритди; у тоғ, дарахт, осмон ва бўлутларни тасвирлаб антик соддаликдан анча силжиганини таъкидлайди. Лекин бронзали монокуриниш йуқолиб қолувчи чизиқлар ҳамда тасаввурли узокликни очикдан очик ёритиб беради. Афсуски, кейинги юзйилликнинг француз ҳамда италиялик хайкалтарошлар ултрарассомлилик услубда ишлашни давом эттиришди. Улар уз кувват ва кучларини бир фигуранинг устига иккинчи фигурани қоплашга ишлатиб, фондаги ярим тонларгача тулик рельефдан мрамрни кесиб ташлаб вақтларини йукотдилар. Амалга ошмайдиган орзулар кетидан кувиб, ижодкор формалар шаффофлиги ва услубнинг мукамаллигини йукотишини, Пюже кора доғларни йукотиш учун санъатнинг асосий тамоилларини ёддан чиқаргани гувоҳи бўлишимиз мумкин, кискаси иш

самарадорлиги гузаллик урнини эгаллади. (287 расм «Александр ва Диоген»).

Мен бу хулосаларим билан барельефдан умуман рангни чиқариб ташлаш керак демокчи эмасман, лекин доим эсда тўтинг, айнан мавзунинг мазмуни, рельефдаги умумий рангларни белгилаб бериши керак. Сузим якунида, рельефнинг ясалиши принципларини мукаммал ўрганиш учун юнон хайкалтарошлари ва хайкалтарошлик санъатига мурожаат қилинг, у вазадаги безак бўлсин, кабр ёки меҳроб бўлсин, фриз ёки фавора бўлсин, бу давр тарихи ҳамда энг яхши устоз бўлишига аминман.



285

Восточная дверь флорентийского баптистерия работы Лоренцо Гибerti



286

«Похищение сабинянок» работы Джованни да Бонанья



287 «Александр и Диоген» работы Пюже
3-курс (6-семестр)

8-МАВЗУ: МЕЪМОРЧИЛИКДА МАХОБАТДИ **ХАЙКАЛТАРОШЛИКНИНГ ЎРНИ**

Назарий

Ўзининг нимага мўлжалланганлиги бўйича хайкалтарошлик маҳобатли, маҳобатли декоратив ва дастгоҳлига бўлинади, бу бўлимларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга.

Маҳобатли хайкалтарошликка бир фигурали ва кўп фигурали хайкал, мемориал ансамбллар, етук арбобларга қилинган монументлар киради. Уларни жамоа жойларида, кўп ҳолларда очик ҳавода жойлаштирилади. Улар доимо мазмун ва шакл жиҳатидан умумлаштирилган бўлади, катта ҳажми билан ажралиб туради (кўп ҳолларда ўзининг натурал ҳажмида 2-3 барабар катта бўлади), шунингдек бу хайкаллар чидамли материалдан ишланади.

Хайкал нафақат ифодавий тимсоли билан, балки пропорционал, атроф – муҳит билан ҳамоҳанглиги, яхлит санъат асарини акс эттириши билан ажралиб туриши керак. Бу нафақат оддий чиройнинг вертикал, ҳажм ёки ҳажмларнинг ритмик кетма-кетлиги, балки инсоннинг ифодавий образи ҳамдир, у атроф-муҳитдаги бўшлиқни тўлдириб яхлит меъморчилик билан уйғунлашган ансамблни ташкил этади.

Отлиқ хайкал ёки тик турган одам хайкали деярли доимо кенг фазовий майдонни талаб қилади. Кўп ҳолларда бундай хайкални майдон марказида ёки кўчаларнинг кесишган жойларига қўйилади. Хайкал узоқдан кўриниб туриши учун Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Мухаммад Бобур хайкаллари идеаллаштирилган, образлари улуғлаштирилган. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида бугунги кунда ўзбек халқининг тарихий мероси сифатида меъморчилик билан уйғунликка эришишга бўлган интилиш, пластикада конструктив архитектониканинг қўлланиши хайкалтарошларнинг ижодига хосдир.

Тектоника - (юнонча тектоникос) - қурилишга тегишли меъморчиликда энг мураккаб шаклни ифодаловчи ва ташкил этувчи воситалардан бири.

Монумент шаҳар манзарасининг ўзига хос яхши жойини эгаллаши ва бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ манзара билан специфик боғлиқлик ўрнатиши керак.


Манумент шаҳарсозлик ансамбли ечими билан тўғридан тўғри боғлиқ ҳолда ривожланади. Мемориал ансамбллар баъзи ҳолларда марказнинг тарихий структурасини, бошқа ҳолларда шаклланиб бўлган тарихий ва замонавий меъморчилик системасини тўлдиради, учинчидан эса янги шаҳар туманлар марказини шакллантиради, ниҳоят тўртинчидан боғ магистрал сув қирғоқларини шакллантириб, кесишган туманлар марказларини шаҳарнинг марказий ядроси билан боғлаб туради.

Мамаев кургандаги ансамбл хайкал проспектнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, 70 км га чўзилган шаҳарнинг стерженидир. Шу тариқа ушбу гигант хайкални ва унинг меъморий марказини шаҳар тимсоли сифатида кўриш лозим ҳамда шу позициядан унинг бадиий ғурурини ва кўркини анализ қилиш керак. Аёлнинг гигант фигураси ва тепага кўтарилган қиличи Волга дарёси қирғоғи ва дарё бўйлаб чўзилган шаҳар устида гўёки ястаниб турибди ва ғалаба тантанасининг тимсолидек қабул қилинади. У шаҳарнинг баланд нуқтасига ўрнатилган бўлиб (102м) аёлнинг баландлиги қиличсиз 52м. Ёки “Кўҳна Бухоро” рельефли - маҳобатли композиция. гектар майдонни эгаллаб турган бу асарда Бухоро шаҳрининг неча минг йиллик тарихи рельеф кўринишида ишланган.

Лекин ҳар қандай хайкал очиқ ҳаво майдони фонида яхши кўринавермайди. Агар хайкалтарошлик композициясини ўтирган фигура кўринишида ишланса уни боғ марказида, ховли интериерида ёки меъморий иншоот фонида кўриш мумкин, масалан ”Бахтли она”, “Қасамёд” хайкаллари. Бундай хайкални шовқин суронсиз, тинч, атроф-муҳити тўхтаб хайкални томоша қилишга имкон берадиган, хайкали ёнида шошмасдан ўтириб томоша қиладиган (яқиндан) ерга жойлаштириш мақсадга

мувофикдир. Бундан ташқари ўтирган фигуранинг орқа томонини кўриш ифодавий эмаслиги сабабли кўриш радиуси 180° қисқаради. Фигура иморат деворига ёки парк кўкаламзорларига бириккан бўлиши мақсадга мувофикдир. Ўтирган ҳолатдаги фигурадан мувоффақиятли ечимга эга бўлгани шаҳар марказидаги Хамид Олимжон хайкалини кўришимиз мумкин. Хайкалнинг композицион ечимида ёзувчи образи учиб кетаётган кушлар тимсолида ёритилган. Хайкал майдондаги иморатлар ва фаввора билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, гоҳ куз баргларининг бўёклари, гоҳ яшил фон билан гармонияланади. Майдон мажмуаси, ҳар қандай меъморчилик ва санъат асари каби маълум эстетик маълумотга эга.

Бинонинг ички меъморчилиги унинг нимага мўлжалланган бинолигига, масштаби, материали, конструкцияси ва бошқа шароитларига боғлиқ. Шунингдек, интерерга ўрнатиладиган асарнинг бадиий томони ҳам жуда катта аҳамиятга эга. У ёки бу бадиий сифатларига эга интерьер қурилиши асосида ички хоналарнинг фазовий жойлашуви ётади.



9-МАВЗУ: МЕЪМОРЧИЛИКДА РИТМ, АНСАМБЛЬ

ТУШУНЧАЛАРИ

Назарий

Ансамбл яхлитликнинг ҳамоҳанглиги, композицион яхлитлик ва меъморий фазовий яхлитлик бўлиб, яхлитлик мажмуанинг асосий чизикларидан бири ҳисобланади. Шаҳар ансамбллари яратишда ҳайкалтарошликнинг ўрни катта. Маҳобатли ҳайкалтарошлик шаҳарсозликнинг ансамблли ечими билан тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда ривожланади. Меъморий ансамбллар баъзи ҳолларда шаҳар ядросининг марказий тарихий структурасига, бошқа ҳолларда шаклланиб бўлган тарихий ва замонавий меъморчилик системасини тўлдиришга асосланади. Бунга мисол қилиб Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган Мустақиллик майдонидаги ансамблни кўрсак бўлади. Майдоннинг асосий композицияси “Бахтли она” монументи ҳисобланади. Майдоннинг кириш қисмидаги арка ва унинг устки қисмидаги учиб кетаётган лайлақлар бахт ва мустақиллик рамзи ҳисобланади. Бу меъморий ансамблнинг узунлиги 150 метр бўлиб, оқ мрамрдан ишланган 16 та устундан иборат. Ансамблларга мисол қилиб яна Хоразмдаги “Авесто” мажмуасини олиш мумкин. Авесто ёдгорлиги ўзининг тик 4 та устунда “Авесто” китобида муқаддас саналган тўрта унсур: сув, ҳаво, ер ва қуёшни ифодаласа, ёйсимон устунлари ер юзида ҳаётнинг давомийлигини англатади.

Ритм аслида бир маромда, бир вазнда маъносини билдиради. Ритм узлуксиз такрорланувчи шакллар ва интерваллар кетма-кетлиги ёрдамида яратилади. Ритмда шакллар, ҳажмлар, безаклар ва элементлар ўзгаришсиз кўламда тартибли мунтазам жойлашади. Ритм бўлмаларнинг фазода такрорланишига хос. Оддий ритм қонунияти – шакллар тенглиги. Ритмлилиқ ҳаракатнинг такрорланиши, мавжуд оламнинг акс этувчиси сифатида барча санъат турларида ифодаланиб, бадиий шаклларни ташкиллаштирувчи зарур воситалардан бири бўлиб қолади. Ритм – меъморий

асарнинг ифодалилиги ва зарурий мувофиқлиги ёрдамида етишиладиган, меъморий шакл унсурларини умумийликка келтирадиган муҳим восита. Меъморчилик композициясида кенг қўлланиладиган ритм тури – бу ритмик қатор ва элементларнинг такрорланиши. Ритмик қонуниятлар мажмуавий ансамбл қурилишларида ҳам кенг қўлланилади. Бунда метрик ва ритмик қаторлар алоҳида меъморий унсурларни эмас, балки бинолар гуруҳи ва уларнинг орасидаги қўламни ташкил қилади.



10-МАВЗУ: МАҲОБАТЛИ ҲАЙКАЛ (МАЪЛУМ ОБЪЕКТГА)

Амалий машғул

РЕЖА:

1. Композицияга бўйсунган ҳолда маҳобатли ҳайкал учун мавзу танлаш.
2. Танланган мавзу асосида объект танлаш.
3. Объект сифатида бирон бир ландшафт ёки маълум бир иморатни олиш.
4. Проект учун хомаки чизмалар тайёрлаш.
5. Тасдиқланган чизмалар асосида лойиҳа чизиш.
6. Композициянинг табиатдаги кўринишини аниқлаш.
7. Макет учун генплан схемасини чизиш.
8. Макетлаштириш.
9. Макетни якунлаш.

Маҳобатли ҳайкал учун мавзу олинади. Шу мавзу асосида объект танланади. Объект сифатида бирон бир ландшафтда ёки маълум бир иморат олинishi мумкин. Хомаки чизмалар тайёрланади, бўртма кўринишида пластилинда ишланади, хомаки композицияларнинг ҳажми 15x20 см бўлиши шарт. Тасдиқланган композициянинг танланган объектга боғланиши таъминланади, шу билан проект кўриниши тайёрланади.

Маҳобатли декоратив ҳайкалтарошликда худди маҳобатли ҳайкалтарошликдаги каби масштабларнинг пропорционаллиги, ҳайкал ҳажми билан атроф муҳитнинг мутаносиблиги катта аҳамиятга эга. Бундай ҳайкалтарошлик нафақат ҳайкалтарошлик масштаблари ва меъморчилик билан пропорцияларнинг тўғри мос келишини, балки инсоннинг кўриш ва қабул қилиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Декоратив ҳайкалтарошликка боғ, парк ҳайкалтарошлиги ҳам киради: ҳайкаллар, бюстлар, фавворалар ва хоказолар. Шаҳар хиёбонларига қўйиладиган ҳайкалтарошлик асарларини ишлашда майдоннинг катталиги, ундаги бинолар ва дарахтларнинг жойлашуви, кундузги қуёш ёруғлиги ва

кечкурунги чироқлар ёғдусида хайкалнинг кўриниши каби кўпгина факторларга аҳамият берилади.

Генплан чизмаси-бинонинг тепадан пастга қараган кўринишдаги шартли ортогонал тасвиридир. Бош планда транспорт коммуникациялари, йўллар, бинолар, автостоянкалар, парк ва ҳиёбонлар, яшил массивлар, дарахтлар кўрсатилади.

Катта ҳудудли генпланлар учун 1:500, 1:1000 масштаблар қўлланилади. Лойиханинг кўргазмали чизмалари дастлабки босқичнинг лойихавий таърифи сифатида бажарилади. Бундай чизмаларнинг вазифаси – муаллифнинг фикрини, лойихада мужассам бўлган бадий-фазовий ғоясини графикли воситаларда кўргазмали очиб беришдир.

Композициянинг хомаки чизмасини чизиш устида ишлаш вақтида у ёки бу восита ва услубларни қўллашнинг умумий қоидаларини кўрсатиш мумкин эмас. Ҳар бир конкрет ҳолатда уларнинг тартиби ҳам ҳажми ҳам ўзгариб боради. Контраст – энг кенг тарқалган композицион элементларнинг ифодасини юксалтириш ва ажратиш воситаси ҳамда ўзига қарама-қарши хислатларнинг ҳамоханолигини ташкил этади. Меъморчилик маҳобатли ва амалий санъат синтезлари композициянинг муҳим унсурларини ташкил этади. Маҳобатли рангтасвир ва хайкалтарошлик меъморчилик шаклини ранг ва пластика билан бойитиб, бир вақтнинг ўзида унинг бадий ғоявий, образли жарангини кучайтиришга меъморий асарларда ифодаланган улкан жамият ғояларини зарур ҳолларда конкретлаштиради. Мутаносиблик – меъморчиликда композицион воситаларнинг асосийларидан бири бўлиб, иншоотнинг барча қисмлар нисбатларини уйғунликка келтириш учун қўлланилади. Мутаносиблик деб қисмларнинг ўзаро ва яхлит ўлчов мослигини маълум нисбат ягоналигига етказиш воситасига айтилади. Бутун иншоотни ёки мажмуани қамраб олганда мутаносиблик ўзининг ягоналигига мутаносиб тузилишни яратади.

Маҳобатли хайкалтарошликка бир фигурали ва кўп фигурали хайкал, мемориал ансамбллар, етук арбобларга қилинган монументлар киради. Уларни жамоа жойларида, кўп холларда очик ҳавода жойлаштирилади. Улар доимо мазмун ва шакл жиҳатидан умумлаштирилган бўлади, катта хажми билан ажралиб туради (кўп холларда ўзининг натурал хажмида 2-3 барабар катта бўлади), шунингдек бу хайкаллар чидамли материалдан ишланади.

Хайкал нафақат ифодавий тимсоли билан, балки пропорционал, атроф – муҳит билан ҳамоҳанглиги, яхлит санъат асарини акс эттириши билан ажралиб туриши керак. Бу нафақат оддий чиройнинг вертикал, хажм ёки хажмларнинг ритмик кетма-кетлиги, балки инсоннинг ифодавий образи ҳамдир, у атроф-муҳитдаги бўшлиқни тўлдириб яхлит меъморчилик билан уйғунлашган ансамблни ташкил этади.

Тектоника - (юнонча тектоникос) - қурилишга тегишли меъморчиликда энг мураккаб шаклни ифодаловчи ва ташкил этувчи воситалардан бири.

Монумент шаҳар манзарасининг ўзига хос яхши жойини эгаллаши ва бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ манзара билан специфик боғлиқлик ўрнатиши керак.

Монумент шаҳарсозлик ансамбли ечими билан тўғридан тўғри боғлиқ ҳолда ривожланади. Мемориал ансамбллар баъзи холларда марказнинг тарихий структурасини, бошқа холларда шаклланиб бўлган тарихий ва замонавий меъморчилик системасини тўлдиради, учинчидан эса янги шаҳар туманлар марказини шакллантиради, ниҳоят тўртинчидан боғ магистрал сув қирғоқларини шакллантириб, кесишган туманлар марказларини шаҳарнинг марказий ядроси билан боғлаб туради.

4-курс (7-семестр)
11-МАВЗУ: ЭРКИН МАВЗУ

Амалий машғулот

РЕЖА:

1. Мавзу танлаш.
2. Мавзу асосида ҳомаки чизмалар тайёрлаш.
3. Композицияда қисмларнинг пропорцияларини тўғри қўйиш.
4. Характерли нуқталарини топиш.
5. Композициянинг генплан схемасини чизиш
6. Схемани масштабда чизиш.
7. Ишни якунлаш.

Талабалар ўзлари ҳоҳлаган эркин мавзу танлашдан олдин, ҳомаки ишларни кўриб чиқиб, ўзи яхши ҳис қиладиган ҳайвонларни композицион ечимини топган ҳолда устоз билан маслаҳатлашиб, кейичалик композиция қандай ечимда бўлишини билган ҳолда бошлаши керак. Эркин мавзуда талабалар ўз устида ишлаши учун шароит яратади ва талаба турли хил мавзу, йўналиш, ҳар хил бўртма усулларда ишлашга мурожаат қилишига тўғри келади. Шу қаторда табиат шакллари ҳам ўрганилиб борилиши керак. Мавзу танлашда атроф-муҳитдан фойдаланиш керак, яъни атрофда бўлаётган воқеаларни ёритиб берса, талабанинг кузатувчанлиги ва композицион дунёқараши ўсади.

Табиат шаклларини ўрганишни бошлашдан олдин анималистик ҳайкал яъни эркин темада отни ҳайкали бўлса, унда болалар майдончаси, истирохат боғлари планини ўрганиб чиқиш керак яъни майдон атрофида иморат, дарахтлар, қандай йўлакларини билган ҳолда ҳайкалларни жойлаштириб чиқиш керак. Болалар майдончаси бўлган тақдирда ҳайкалларни майдонни ҳажмига қараб жойлаштириб чиқиш керак. Табиат шаклларини ўрганиш, этюдлар ишлаш вақтида шу қоматларни ҳар хил ҳолатга ўхшатамиз, мазкур қоматлардан фойдаланиб, турли ҳолатларни кўрсатишимиз мумкин. Бу

коматлар пропорционал равишда ишлаб қўйилади. Улар ҳар доим тайёр ҳолда турса, атрофида бўлиб ўтаётган воқеаларни жуда тез илғаб, воқеани коматларда акс эттириш имконияти жуда катта бўлади.

Изланишлар давомида аниқ ечимга эга бўлган хомаки эскизлар сараланиб олинади ва ўқитувчи томонидан тавсия қилинган эскиз катталаштиришга яън модел кўринишга олиб келинади. Моделнинг ҳажми камида 20-25 см. Эркин мавзу қўшимча мавзу бўлганлиги сабабли, асосий вазифага ёрдамчи вазифа ҳисобланиб, реал кўринишда бўлиши талаб қилинади. Юқорида ёзилганидек яъни, ўзи эркин композициясига асосланиб материал тўплаш учун ҳайвонот боғи, цирк, ипподром ва ҳоказо жойларга бориб, ҳайкал учун эскизлар қилиб материал тўплайди. Ўртача 10 та эскиз тайёрланса шундан болалар боғчасига, истирохат боғларига шу эскизларга асосланиб ишланади. Шунда ишланиётган ишингиз мукаммал бўлади. Ҳайкалнинг пропорциялари анатомик ва пластик ечимлари талабга жавоб бериши шарт.

Хомаки эскизлар модел кўринишига келтирилганда асосан композициянинг майда бўлақларига, майда деталларига кўроқ эътибор берилади. Эркин мавзуда олинган композицияда бирорта ҳайвоннинг ҳайкали ишланиши керак бўлса унинг деталлари яъни, суяк тузилиши, мускуллари, қиқача ҳайвон анатомиясини ўрганиб чиқиш керак. Ҳайвон анатомияси билан бирга унинг пластик ечимини ҳам ишлаш керак. Ҳайвонлардан агар от ҳайкалини ишлаш олинган бўлса, унда унинг элементларидан бош қисми, оёқ қисми ва қолган қисмларини қорин қисмига боғлаб пластик учимини топиш керак. Агар майда деталлар устида анатомияга асосланиб ишланган бўлса, унда сизни композициянгиз аниқ чиқишига ёрдам беради. Шунда сизни ишлаган ишингиз мукаммал бўлади.

Эркин темада олинган хохлаган ҳайвонни пластик ечимини топиш керак. Яъни ҳайкалнинг пропорциялари турадиган жойида пластик мос келиш керак. Ҳайкал ҳар томонлама шу ишланаётган ҳайвоннинг характерини бериши керак, шундагина ҳайкал бажарилгани билан мукаммал

бўлади.Компазицияда пластик ечим чиройли топилса, хайкал ҳам чиройли бажарилади. Шунинг учун ҳам хайкалнинг пластик ечимига эътиборли бўлиш керак.

Иш қачон якунланади? Қачонки хайкални пластик ечими, пропорциялари, компазиция мукамал ҳолда бажарилгандан сўнг, иш якунига етади. Охирида хайкал жойига қараб қаттиқ материалга ўтказилади. Хайкаллар болалар майдончасига ўрнатилгандан сўнг, болажонлар учун янада қизиқарли бўлиши учун, турли хил ранглар билан хайкалларни бўяш мумкин.

4-курс (8-семестр)

12-МАВЗУ: ДИПЛОМ КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ МЕЪМОРИЙ

ЖОЙЛАШУВИ

Амалий машғулот

РЕЖА:

1. Диплом лойихасини бажаришнинг мақсад ва вазифалари.
2. Танланган мавзу бўйича жой танлаш.
3. Мавзу асосида хомаки чизмалар тайёрлаш.
4. Композициянинг атроф-муҳит билан боғлиқлиги.
5. Пропорцияларни тўғри топиш ва хомаки чизмалар чизиш.
6. Макет учун хом-ашёлар тайёрлаш.
7. Макет устида ишлаш ва масштабда кўриб чиқиш.
8. Макетлаштириш.
9. Ишни якунлаш.

Диплом учун танланган мавзунинг ахамиятлилиги тушунтирилади. Танланган мавзунинг композицион моделини яратиш тушунтирилади. Иш жараёнлари кетма-кетлиги тушунтирилади. Масалан:

Асарларда композиция вужудга келиш жараёнида ижодкор томонидан берилаётган ҳис-туйғу ва билим акси асосини миллийлик тўлақонлилигича ёритилиши кам кўзга ташланади. Бунинг натижаси истиқлолимиз йўлида кўп бўшлиқларни қолдириб кетишимизга олиб келади.

Ижодкор қалб-қўри билан асарга бутун дунёсини беради. Асар авваламбор ижодкорни юраги десам муболаға бўлмайди. Уларнинг яратган асарлари услуби ягона бўлса-да, шу услуб орқали миллатимизга хос янгича услуб яралиши келажак-авлодни зиммасидалигини ижодкор ҳис қилиши лозим.

Ҳар бир ижодкорнинг мақсади, ўзи яратаётган асаридаги бадиий янгилик, ижодий янгиликларни очиб беришдан иборат. Ҳар қандай ҳайкалтарошлик асарлари бир-бирига ўхшамаган ҳолда яратилади. Чунки,

шу асарни яратаётган ҳайкалтарош авваломбор ўзининг дунёқараши ва композицияси асосида ижод қилади. Шундай экан, шу кунгача яратилган ҳайкалтарошлик асарлари доимо ўзининг ижодий янгилиги билан диққатга сазовор бўлиб келмоқда.

Ҳайкалтарошлар ижодида мавзулар бир томонга йўналтирилмай аксинча бир неча мавзулар қамровидан иборат умумлашма тимсоллардан ташкил топган. Улар бир неча тимсолларни ўзаро уйғун ҳолатда ижод қилиб умуминсоний ғояларини ифодалашга интилдилар.

Шу давр ҳайкалтарошлик асарларининг асосий тимсоли реалистик услубда бажарилган бўлиб, уларнинг қўшимча унсурларида мажозий, шу билан бирга фалсафий шакллар ифода этилган.

Диплом учун композиция моделини яратиш учун аввало ҳар бир талаба шизига мавзу танлаб олади. Шу мавзу юзасидан бир қанча композициялар ишлайди. Тасдиқдан ўтган композиция қуйидаги тартибда ишланади.

Диплом учун танланган мавзунинг ахамиятлилиги тушунтирилади. Танланган мавзунинг композицион моделини яратиш тушунтирилади. Иш жараёнлари кетма-кетлиги тушунтирилади. Масалан:

Асарларда композиция вужудга келиш жараёнида ижодкор томонидан берилаётган ҳис-туйғу ва билим акси асосини миллийлик тўлақонлилигича ёритилиши кам кўзга ташланади. Бунинг натижаси истиқлолимиз йўлида кўп бўшлиқларни қолдириб кетишимизга олиб келади.

Ижодкор қалб-қўри билан асарга бутун дунёсини беради. Асар авваломбор ижодкорни юраги десам муболаға бўлмайди. Уларнинг яратган асарлари услуби ягона бўлса-да, шу услуб орқали миллатимизга хос янгича услуб яралиши келажак-авлодни зиммасидалигини ижодкор ҳис қилиши лозим.

Ҳар бир ижодкорнинг мақсади, ўзи яратаётган асаридаги бадиий янгилик, ижодий янгиликларни очиб беришдан иборат. Ҳар қандай ҳайкалтарошлик асарлари бир-бирига ўхшамаган ҳолда яратилади. Чунки, шу асарни яратаётган ҳайкалтарош авваломбор ўзининг дунёқараши ва

композицияси асосида ижод қилади. Шундай экан, шу кунгача яратилган ҳайкалтарошлик асарлари доимо ўзининг ижодий янгилиги билан диққатга сазовор бўлиб келмоқда.

Ҳайкалтарошлар ижодида мавзулар бир томонга йўналтирилмай аксинча бир неча мавзулар қамровидан иборат умумлашма тимсоллардан ташкил топган. Улар бир неча тимсолларни ўзаро уйғун ҳолатда ижод қилиб умуминсоний ғояларини ифодалашга интилдилар.

Шу давр ҳайкалтарошлик асарларининг асосий тимсоли реалистик услубда бажарилган бўлиб, уларнинг қўшимча унсурларида мажозий, шу билан бирга фалсафий шакллар ифода этилган.

Диплом учун композиция моделини яратиш учун аввало ҳар бир талаба шизига мавзу танлаб олади. Шу мавзу юзасидан бир қанча композициялар ишлайди. Тасдиқдан ўтган композиция қуйидаги тартибда ишланади.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ҳайкалтарошлик санъати ҳам аниқ бир қиёфани ўзида жамлади. Атроф-муҳитнинг бадиий бойлиги халқ ёки миллатнинг маънавий қиёфасининг ўзига хос таваллудларида монументал ҳайкаллар алоҳида ўринда туради. Республикамизнинг гўзал Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Андижон, Хорозм каби шаҳарларида сайр қилсак, кўпалаб салобатли ҳайкалларга дуч келамиз. Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Ҳамид Олимжон, Гафур Ғулом каби ўзбек халқининг севимли фарзандлари образлари муҳирланган монументал ҳайкаллар озод ва обод шўкатида ўзгача ғойиб бағишлаб турибди.

Ҳайкалтарошлик санъатининг асар яратиш жараёнида қуйидагилар муҳим ўрин тутади.

Мавзу – бу рассом ўз асарида мурожаат қиладиган қатор ҳаётий ҳодисалар бўлиб, унинг яратилишида бу ҳодисаларнинг руҳий ўзаро боғлиқлиги асосий ролни ўйнайди.

Мавзу албатта ғоя билан боғланган бўлиб, ижодкор ўзининг ижтимоий-фалсафий қарашларидан ва жамият ҳаётини белгиловчи унинг талқинидан

келиб чиқади. Мавзу ва унинг талқини асарнинг ғоявий мавзули асосини ташкил этади.

Мангу мавзулар мавжуд – оналик, мухаббат, ҳаёт ва ўлим. Бутун давр ижодкорлари ушбу мавзуларга мурожаат қилганлар, ҳар бир давр уларнинг талқинига янги қарашлар олиб киради.

Сюжет – бу аниқ мавзунинг ифодаси, маълум ҳодиса ва воқеанинг бадиий ижроси. Ҳар қандай мавзу кўпгина турли сюжетли ечимларни ўз ичига олади.

Сюжет, сюжетли ҳаракат орқали ҳолат, одам характери, қилиғи, тарихий воқеалар, маиший жанрли сюжетлар тасвирланади. Кўпгина ҳайкаллар жуда оддий сюжетга эга, уларнинг асосида қандайдир мураккаб бўлмаган воқеалар ётади.

Ҳайкал қандайдир мураккаб мазмунга эга бўлса-да, унда кечаётган ҳаракат қандайдир бир воқеани ифодалайди.

Ритм – яратилган асар компонентларининг оҳангдор, текис ёки динамик қайтарилиши.

Услуби ва кўринишига қараб маҳобатли, декоратив ва дастгоҳ турларига бўлинади.

Бир ҳил шаклли элементни ҳар ҳил турда кўринишини ифодалайди.

Анатомия – ўзида пропорция, тенгликни акс эттиради. Ҳайкал яшадан аввал биринчи навбатда унинг анатомияси ўрганилади. Ундаги ички руҳий кечинмаларини ифодалашда анатомия муҳим ўрин тутаяди.

Пластика – 1. Ҳайкалтарошлик. 2. Силлиқ, майин, эгилувчан.

Динамика – бир предметни иккинчиси билан ўзаро боғланишига айтилади. Бўларнинг ҳар иккиси ҳам ҳайкалтарошликнинг асосий бўлимларидан бири ҳисобланади. Пластик, динамика – бу ҳаракат демакдир. Яратилган асарнинг қай ҳолатда туришини, қай даражада эгилганлигини асослайди. Қўл пластикаси, оёқ пластикаси, бел пластикаси ва ҳоказоларни мисол қилишимиз мумкин.

Бадий образ – бу рассомнинг ҳаёлида тикланган, умумлаштирилган ифодаси, бутун давр, синф, сулола ҳақида сўзловчи санъат тасвири тушунилади.

Ҳайкалтарошлик образи моддий асосда пайдо бўлади, тасвирий ифоданинг махсус воситалари, борлиқнинг энг умумий аломатларида намоён бўлади, томошабинда у ёки бу эмоционал ҳиссиётлар, хурсандчилик, ғамгинлик, чуқур хурмат-эътибор, ғурур, тантанаворлик туйғуларини шакллантиради.

Ҳайкалтарошликда хилма-хил образлар – улуғлик, буюклик, қахрамонона, ҳис-хаяжонли, туйғули образлар мавжуд.

Умумлаштирилган образ учун эмоционал ва руҳий ҳолат жуда муҳим. Унинг ҳамма ташқи шакллари ҳаётнинг ички ҳаққонийлиги, ҳиссиётлар билан тўла намоиш этилиши лозим. “Умумлаштириш мавжуд ҳажм пластикасини бойитиш дегани, яъни шаклнинг ички мазмуни кучланиши маъносида”, деб таъкидланган.

Образнинг эмоционал янграшини кучайтириш учун ҳайкалтарошлар кўпинча гиперболага, бўрттиришга юзланадилар.

Қиёслаш билан бевосита ифодаланган бадий образ- аллегория деб аталади. Аллегория кўпинча мавҳум тушунчаларни жонли образлар орқали гавдалантиришда, уларни жонлантиришда учрайди, яъни аниқ образларга яқин таққослаш орқали тасвирланади.

Мазкур диплом учун танланган мавзу яъни Абу Райхон ал-Беруний маҳобатли ҳайкалтарошлик санъатига бадий таҳлилини келтирадиган бўлсак, ушбу ҳайкалтарошлик асарида авваломбор Берунийнинг тундаги ҳолати акс эттирилган.

Ҳайкалтарош яратаётган ҳайкали қоматини тўғри қўйишни билиши, турли масофада ва ҳамма томондан қиёфанинг гўзал ифодасини кўра билиш лозим. Ҳайкалнинг мазмуни бир қарашданоқ тушунарли бўлишини талаб этади.

Яратилган асар нафақат ифодали қиёфага эга бўлиши, балки атрофига ҳамоҳанг, мутаносиб, ягона санъат асарини намоиш этиши лозим. Асар ғоявий мазмуни билан биргаликда, бадиий-меъморий вазифани ҳам олиб боради. Бу нафақат гўзал, тик, вертикал, ҳажм ёки ритмик такрорланувчи ҳажмлар, балки, бутун меъморий мажмуага маъно бахш этади, инсоннинг ифодали образи, унинг атрофидаги майдон кўламини бирлаштиради, марказлаштиради.

Ҳайкалтарош ўз ғояси, композициясида яъни бу асарида ёритилган Беруний тимсоли туну-кун, ҳатто тушларида ҳам илм-фан чўкқиларини забт этиш тўғрисида бош қотириб, чуқур ўйга толганини томошабинга ҳавола этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Асарнинг бадиий таҳлилини ёритилар экан, бу ерда Шарқ мутафаккир олими Берунийнинг бир туни тасвирланган. У шу кеча ухлаганида бир туш кўради-ю, уйғониб дарҳол кўча томон юради. Ҳаттоки, бошидаги салласи ҳам ўралмай елкалари узра баданига чирмашиб кетган. Эғнидаги либослари шамолда ҳилпираб, уни само сари учириб кетаётгандек гўё. Олим шу ҳолатида осмонга узоқ тикилиб, саноқсиз юлдузларни ҳар бири билан ҳаёлан суҳбат қуради. Олим шу даражада тасаввурга берилганидан, ҳатто ҳаёлида унинг эғнидаги либоси-ю, салласи ўрнига танасини ўз галлактика юлдузлари ўраб тўргандек бўлади.

Беруний чап қўлида Ўрта Асрга тегишли бўлган астулобинини маҳкам ушлаб бағрига босиб, ўнг қўли билан дунёдаги барча илм-фан, кашфиётлар янада бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалишига келажак авлодини бор меҳру-мухаббати, шижоатли ҳаракатлари билан ундаётганлиги барчага маълум.

Асар қаҳрамонининг юз қиёфасидан шуни билиш мумкинки, ёш авлодни билимга, аждодлари изидан кетиб, уларни қилган ишларини давом эттириб, халққа муносиб авлод бўлишга чорлайди. Олимнинг қошлари ҳудди камон сингари қайрилиб, кўзларида шижоат ўти порлаб тўрганини ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз. Қўлларининг томиридаги қони ҳудди дарёдаги

пишқириб оқаётган тўлқинни эслатарди. Ўзи ерда турса ҳам гўё у фалакдаги юлдузлар каби ўзини самода юргандек ҳис қиларди.

Унинг шахтам қадамлари билан юриб келган оёқларидаги ҳаракат Берунийнинг тиниб-тинчимаслигидан далолат беради. Либослари оёқларига ҳам ўралиб, уни ердан бўлут каби кўтариб кетаётгандек эди. Шамоллар билан тиллашаётган либослари ҳам Берунийнинг қаноти каби учираёзганди.

Олимнинг савлатли қомати, чап томонга қараб тўрган боши фақатгина билимга ташналигини ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз. Умрининг ҳар бир дақиқаси у учун ҳисоб-китобли бўлгани боис, тунларини бедор ўтказиб бўлса-да, тинмай изланишда бўлган. Ва бу изланишлари натижасида авлодларига битмас-туганмас мерос қолдирган.

Замонасининг энг буюк арбоби сифатида тан олиб келиниши, Ўзбекистонимизнинг кўчалари-ю, вилоятларига олимнинг номи берилиши, унга бўлган меҳру-мухаббатимиз, диққат-эътиборимиздан далолатдир.

Барчамизга маълумки, Беруний деярли барча фанларни ўрганиб, улар устида бир қанча кузатув ишлари олиб борган. Астрономия, физика, геометрия, география ва бошқа фанларни чуқур эгаллаган. Коинот билан боғлиқ кузатув ишлари, Еримиз борасида ҳам қанчадан-қанча ишларни амалга оширган.

Ушбу диплом учун танланган мавзу яъни Абу Райҳон ал Беруний ҳайқалининг баландлиги икки метр бўлиб, 1.20 метри Беруний композицияси, 80 смри эса композиция тағлигини ташкил этади.

Асрни яратишда яна бир муҳим нарса бу асарига бўлган ҳиссиётдир.

Ҳиссиёт – ижод кучлари орасида алоҳида ўринни эгаллайди, бу репродуктив кучи деб айтилади, қайсики унинг ёрдами билан инсон ташқи олам билан алоқада бўлади ва ўзининг ақл-идроки билан акс эттиради.

Ҳиссиёт идрок, сезги, ҳотира асосида, шунингдек тафаккур ва бошқалар билан инсонга ҳаётдан олган таассуротлар запасига эга бўлишни тақозо этадига бу соҳада турли фаолиятларни амалга оширади, жумладан, меҳнатнинг энг олий даражаси ҳисобланган ижод билан ҳам.

Шундай қилиб, меҳнатнинг олий шакли ижоддир. Ҳар бир инсон дунёни идрок қилади, тасаввур қилади, яққолроқ хис этиб боради. Кузатишлар асосида кўпдан-кўп таассуротлар олиб, эшитиб, ўқиб хотирада анча ёрқин сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бўлар асар яратишда жуда ҳам зарур, қайсики, хотирада фақат ўз мазмунида борликка эстетик, ҳиссий муносабат акс этиб турувчи воқеалар акс этади.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

Талабани бадиий ижодга ўргатиш жараёни нафақат аудиториялардаги устоз-педагог билан олиб бориладиган яқка тартибдаги машғулотлар, балки, ўқиш жараёнида ҳаётни ўрганиш ундан чизги ва этюдлар бажариш, эскизлар устидаги изланишлари, бадиий асарнинг композицион қурулмаси устида ишлаш буларнинг барчаси ижодкор ҳайкалтарошнинг мустақил ишлаш маҳсули сифатида намаён бўлади. Бакалаврият таълимида мустақил таълимнинг аҳамияти жуда катта. Чунки, ижодкор мутахассиснинг ўз устида мустақил ишлаши унинг билим, малака, кўникмаларни эгаллаш даражаси билан боғлиқ. Талаба дарс жараёнида қай даражада педагог раҳбарлигида олган билимларини ўз устида мустақил ишлаш жараёнида янада мустаҳкамлайди. Шу сабабли мустақил таълимга 22 соат вақт ажратилган ва талабалар бунда лойиҳаларини макетлаштириш устида иш олиб борадилар

Макет ясалганда доимо ишни йирик бўлақлардан, яъни деворлар, яшил майдонлар ва сув хавзаларини алоҳида-алоҳида қирқиб олишдан бошлаб кейин уларга ёпиштириладиган майда деталларга ўтилиши зарурлиги тушунтирилади. Майда деталларни ясаганда уларни йирик юзаларга қай тарзда ёпиштирилиши назарда тутилади. Макет учун танланган масштаб унинг йирик қисмларида қандай бўлса майда деталларида ҳам худди шундай бўлиши зарур. Шунинг учун макет ясашни бошлагандан уни якунлагунча қатъий чизмалар асосида иш олиб борилади. Зарур бўлганда катта юзали жойларга қўшимча куч кўтарувчи юзани қаттиқ ушлаб турувчи қўшимча

деталлар ишланади ва кўринмайдиган томонидан юзага ёпиштириб чиқилади.

Тайёр бўлган макетни ўрнатиш учун шундай ўлчамдаги планшет танланиши керакки, бунда макет атрофида албатта етарлича фазовий бўшлиқ бўлиши талаб этилади. Негаки ҳар қандай яратилган асар у хох кичик санъат асари бўлсин хох катта бир бино бўлсин у ўз атрофидаги фазовий бўшлиқ билан бирга идрок қилинади, яъни ҳар қандай асар атрофидаги фазовий бўшлиқ унинг томошабин томонидан идрок қилинишида бевосита иштирок этади. Макет учун танланган планшет таглик ҳам озода ва тартибли кўринишда бўлиши керак. Иложи бўлса планшетга тортилган ватман қоғоз ҳам ишланган генплан рангига мос қилиб бўяб қўйилади.

ГЛОССАРИЙ

т/р	Инглиз	Ўзбек	Рус	Маъноси
1.	Artistic form	Бадий образ	Художественный образ	рассомнинг ҳаёлида тикланган, умумлаштирилган ифодаси, бутун давр, синф, сулола ҳақида сўзловчи санъат тасвири
2.	Relief	Рельеф	Рельеф	хайкалтарошликнинг бир тури, шакл, тасвир фон (замин)дан бўрттириб ёки, аксинча, ўйиб ҳосил қилинади
3.	High relief	Горельеф	Горельеф	бўртма хайкал ёки нақш, хайкал ёки нақш-гулнинг ярмидан кўпи бўртиб чиққан бўлади.
4.	Silhouette	Силуэт	Силуэт	инсон, ҳайвон, қуш, нарса ва бошқаларнинг сояга ўхшатиб бир рангда ишланган тасвири
5.	Plummet	Шокул	Отвес	моделнинг тўғрилигини кўрсатувчи асбоб
6.	Easel	Мольберт	Мольберт	моделни тасвирлаш жараёнида планшетни қўйиб ишлаш учун мўлжалланган махсус дастгоҳ
7.	Reflex	Шуъла	рефлекс	моделга бирон жисмдан қайтаётган ёруғлик.
8.	Hotspot	Блик	Блик	моделга тушаётган ёруғликнинг энг ёрқин қисми
9.	Arrangement	Жойлаштириш	Компановка	моделни қоғозга тўғри жойлаштириш: яъни катта ҳам кичик ҳам бўлмаган холда қоғозга мос жойлаштириш
10.	Construction	Қуриш	Построение	моделни қоғозда тўғри тасвирлаш, шаклларнинг бир- бирига нисбатини тўғри тасвирлаш
11.	Copy	Нусха олиш	Копия	бу маълум бир таниқли

				рус ва Европа классик рассомларининг қаламтасвир асаридан нусха олиш, ушбу асарни тасвирлаш техникасини ўрганиш.
12.	Sketch	Хомаки чизги	Зарисовка	бу қисқа муддатда бирор бир жисм, нарса, жонзот ёки одамга қараб чизиладиган тасвир
13.	Charting	Қоралама	Наброска	моделни тасвирлашдан олдинги қилинадиган қисқа муддатли тасвирлар, изланишлар
14.	Plot	Сюжет	Сюжет	аниқ мавзунинг ифодаси, маълум ҳодиса ва воқеанинг бадиий ижроси
15.	Rhythm	Ритм	Ритм	яратилган асар компонентларининг оҳангдор, текис ёки динамик қайтарилиши.
16.	Anatomy	Анатомия	Анатомия	Одамнинг умумий тузилиш шакли
17.	Plasty	Пластика	Пластика	Шакл тузилишининг бадиий ечими
18.	Dynamics	Динамика	Динамика	Хақаракатдаги холатнинг тасвири
19.	Sketch	Эскиз	Эскиз	Хомаки тасвир
20.	Proportion	Пропорция	Пропорция	Хажмнинг мутаносиблиги
21.	Fragment	Фрагмент	Фрагмент	Асарнинг маълум бир қисми
22.	Asymmetry	Ассиметрия	Ассиметрия	Буюм ва бўлақларнинг бир-бўирига номутаносиблиги
23.	Detail	Деталь	Деталь	Тасвирланаётган моделнинг кичик қисми
24.	Symmetry	Симметрия	Симметрия	Буюм ва бўлақларнинг бир-бўирига мутаносиблиги
25.	Amount	Хажм	Объём	Тасвирнинг хажмли

				кўриниши
26.	Harmony	Гармония	Гармония	Бадиий асар қисмларининг мутаносиблиги
27.	Stylization	Стилизация	Стилизация	Табиатдан олинган мураккаб шаклни соддалаштириб ифода қилиш (безак кўринишига олиб келиш) йўли
28.	Ensemble	Ансамбл	Ансамбл	яхлитликнинг ҳамо- ҳанглиги
29.	alley	Аллея	Аллея	ҳиёбон
30.	antique	Антик	Антик	кадимги, кадимги юнон - рим маданиятига тегишли
31.	Architecture	Архитектура	Архитектура	меъморчилик, инсон ижодий фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, унинг натижасида асарлар яратилади .
32.	Villa	Вилла	Вилла	шаҳар четидаги айвонли уй
33.	Interior	Интерьер	Интерьер	бино ичкараси
34.	Exterior	Экстерьер	Экстерьер	бино ташқариси
35.	Water	Водаём	Водаём	ландшафтнинг табиий элементи ёки сунъий мослама (кўл, ховуз, оқим)
36.	Tomb	Гробница	Гробница	меъморий хайкалтарошлик композицияси кўринишидаги қабртош меъморлиги. Декоратив бассейн -2 м дан 5 м гача майдони бўлган, унча катта бўлмаган сув мосламаси.
37.	Landscape	Ландшафт	Ландшафт	табиатдаги территориал комплекс .
38.	arxitekturnyy complex	Меъморий мажмуа	архитектурный комплекс	бадиий тарихий ва бир- бири билан ўзоро боғлиқ фазовий ягоналикка эга бир қатор меъморий

				иншоотлар йиғиндиси
39.	Modern	Модерн	Модерн	янги санъат, услуб
40.	tectonics	Тектоника	Тектоника	қурилишга тегишли, меъморчиликда энг мураккаб шаклни ифодаловчи ва ташкил этувчи воситалардан бири
41.	zoom	Масштаб	Масштаб	композицион ягоналикни яратиш воситаларидан бири, шакл ва унсурлари одамга ва бошқа меъморий шаклларга нисбатан мувофиқлиги
42.	Ensemble	Ансамбл	Ансамбл	яхлитликнинг хамоханглиги: композицион яхлитлик ва меъморий–фазовий яхлитлик, яхлитлик мажмуанинг асосий чизиқларидан бири ҳисобланади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Peter Ward. Picture composition for film and television М.: ГИТР, 2005 й. 196 б.
2. Б.Ибрагимов. “Театр макети”, Ўқув-қўлланма.Т.: “Истиқлол”. 2009й.- 62 б.
3. Б.Ибрагимов. “Театр беаги ва ашлар технологияси”. Т.: Ўқув-қўлланма. “Чашма”. 2009й.- 63 б.
4. Б.Ибрагимов. “Театр бутафорияси”, Т.: Ўқув қўлланма. “Чашма”. 2009й. – 87 б.
5. Б.Ибрагимов. “Театр фактураси”, Т.: Услубий қўлланма.“Чашма”. 2009й. – 47 б.
6. Б.Ибрагимов. “Сахна техникаси ва безаклар тайёрлаш технологияси”,Т.: Методик қўлланма. “Чашма”. 2010й.-151 б.
7. О. Л. Голубева Основы композиции Издательский дом « Искусство» Москва 2004 й. 121 б.

Қўшимча адабиётлар

- 1.Н.Сосунов. “Изготовление бутафории”, Учебное-издание. М.: “Искусство”. 1958й. - 123 бет.
2. Н.Сосунов. “Театральный макет”, Учебник. М.: «Искусство», 1960й.- 290 б.
3. Н.Сосунов. “От макета к декорации” Учебное-издание.М.: «Искусство»,1960й. - 104 б.
4. В.Базанов. “Техника и технология сцены” Учебное-издание.М.: “Искусство”. 1976й. - 85 бет.
5. Т.М.Богомолова. “Декорационные материалы – художникам театра”. Учебное-издание. М.: “Искусство”. 1988й. - 114 б.

Интернет сайтлари

1. www.sarafan.ru
2. www.ocinka.ru
3. www.textile-press.ru
4. www.vgik.info
5. e-mail - mail@vgik.info
6. www.pencil.nm.ru
7. artinst@mail.ru
8. ychednoe@mail.ru
9. www.msus.org.
10. www.artacademu.spd.ru
11. e-mail charkin@peterstar.ru
12. artacademy@antecedemy.spd.ru

13. www.nbgf.intal.uz
14. www.edu.uz
15. www.pedagog.uz
16. www.Ziyonet.Uz